

8 ДЕКАБРЬ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ КУНИ



А. ТҶРАЕВ олган сурат

ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ЕТТИНЧИ СЕССИЯСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг еттинчи сессияси 2001 йил 6 декабрь куни соат 10 да Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мажлислар залида очилади.

Ушбу сонда

А. ЭРҒАШЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Бош прокурорининг 1-ўринбосари,
3-даражали давлат адлия маслаҳатчиси:

1992 йил 8 декабрда XII чақириқ Республика Олий Кенгашининг XI сессиясида моддама-модда овоз бериш йўли билан қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси Президентимиз Ислоҳ Каримов ақл-заковатининг маҳсули ва халқимиз хоҳиш-иродасининг ёрқин ифодаси сифатида дунёга келди.

3-
саҳифа

Ҳожимурод ОДИЛКОРИЕВ,
ИИВ академияси бошлиғининг
ўринбосари,
юримдик фанлари доктори:

Конституциявий кўрсатмаларнинг ҳуқуқ-тартибот органлари тармоқидан бевосита бажарилишини таъминлайдиган механизмни яратиш зарур.

Зотан, конституциявий тузум мустаҳкамлигининг энг муҳим шарти Асосий Қонун нормаларининг тўғридан-тўғри ҳаракати ҳисобланади.

4-
саҳифа

Тошкент Давлат юридик институти томонидан пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги мактабларда «Конституция дарслари»ни ўтиш борасидаги ибратли тажрибалар хусусида махсус мухбирларимиз Ж. Шарофбоев ва А. Тўраевларнинг репортажи билан газетамизнинг 7-саҳифасида танишасиз.

«HUQUQ»

YURIDIK GAZETA

Ta'sischiilar

O'zbekiston Respublikasi
Bosh prokuraturasi,
Toshkent shahar va Toshkent
viloyati prokuraturalari,
«Qonun himoyasida»
jurnali

Bosh muharrir:

Abdusoliq
ABDURAZZOQOV

Tahrir hay'ati:

Mels Naimov,
Komiljon Ismoilov,
Dilshod Islomov
(Bosh muharrir o'rinbosari),
Shavkat Yodgorov
(mas'ul kotib),
Lola Shomurodova,
Muxtor Shodmonov,
Ahmadjon Xudoyberganov

Gazeta Davlat matbuot
qo'mitasida №00150 raqam
bilan ro'yxatga olingan
Nashr ko'rsatkichi - 231, 232

Manzil: Toshkent shahri,
akademik Yahyo G'ulomov
ko'chasi, 66-uy.

Telefon: 133-82-34.

Reklama va e'lonlar:

133-82-34, 77-59-31.

E-mail: huquq@mail.UzNet.NET

Tahririyatga kelgan qo'lyozma
va suratlar egalariga
qaytarilmaydi.
Mualliflarning fikrlari
tahririyat fikridan farqlanishi
mumkin. Gazetada bosilgan
fakt va dalillar uchun
muallif mas'ul.
Nashrimizdan ko'chirib
bosilganda «Huquq»dan
olinganligi ko'rsatilishi shart.
Tijorat ahamiyatiga molik
materiallar ** belgisi ostida
chop etiladi.

Gazeta tahririyat kompyuter
bazasida terildi va sahifalandi.
«Huquq» original-maketi

Gazeta «Sharq» nashriyot-matbaa
aksiyadorlik kon. jamiyasida ofset
usulida A-3 formatda
chop etildi.
Korxona manzili:
Toshkent shahri,
Buyuk Turon ko'chasi, 41.

Buyurtma 7 - 3149
Nusxasi — 15475

Bosmaxonaga topshirish
vaqti 20.00

Bosmaxonaga
topshirildi 21.00

Gazeta haftaning chorshanba
kunlari chiqadi

Navbachi muharrir:
H. NISHONOV
Navbachi: F.MAMASHARIPOV

Sotuvda erkin narxda

1 2 3 4 5 6 7 8

● ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИДА

ҚОНУНБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ — МУҲИМ ВАЗИФА

Кеча Ўзбекистон Республикаси Бosh прокуратурасининг мажлислар залида республика идоралараро мувофиқлаштирувчи кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда Республика Марказий банки, «Ўзсаноатқурилишбанк», «Галлабанк», «Асакабанк» акциядорлик-тижорат банклари бошқарув раҳбарлари, уларнинг вилоятлардаги филиаллари бошқарувчилари ва мутахассислари, деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси, тадбиркорлар палатаси раҳбарлари, мутасадди ходимлари, Республика Бosh прокуратурасининг бошқарма ва бўлим бошлиқлари, уларнинг ўринбосарлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлари, Тошкент шаҳри прокурорларининг ўринбосарлари, бўлим бошлиқлари ҳамда оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок эдилар.

Мажлисни Республика Бosh прокуратурасининг ўринбосари П.Бобожонов бошқарди.

Мувофиқлаштирувчи кенгашда «Ўзсаноатқурилишбанк», «Галлабанк» ва «Асакабанк» акциядорлик-тижорат банклари ҳамда уларнинг тизимларида хўжалик юритувчи субъектларга кредитлар ажратиш тартибини белгиловчи қонунлар ижроси юзасидан ўтказилган текшириш натижалари ҳақидаги масала кўриб чиқилди. Бу ҳақда Республика Бosh прокуратураси умумий нәзорат бошқармасининг бошлиғи Б.Шомиразевнинг маърузаси тингланди.

Барча соҳалар каби банklar фаолияти ҳам қонунлар орқали бошқарилади.

Тадбиркорлиқни, кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш эса банklar фаолиятининг муҳим йўналишидир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 21 мартдаги «Банк тизimini ислоҳ қилиш ва янада эркинлаштириш чора-тадбир-

лари тўғрисида»ги Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 24 мартдаги 104-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси банк тизimini 2000-2003 йилларда ислоҳ қилиш Дастури», шунингдек 2000 йил 19 майдаги «Тижорат банкларининг кичик ва ўрта тадбиркорлиқни ривожлантиришда қатнашишини рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорида акциядорлик-тижорат банклари томонидан кичик ва ўрта бизнес субъектлари, давлат корхоналари, деҳқон-фермер хўжаликлари ҳамда фуқароларга кредитлар ажратиш тартиблари белгилаб берилган.

Маърузада таъкидланишича, мазкур банklar томонидан Президент Фармони ва Вазирлар Маҳкамаси қарорларини бажариш юзасидан бирмунча ишлар қилинган. Жумладан, шу йилнинг 1 ноябр ҳолатига кўра «Ўзсаноатқурилишбанк» томонидан 114 миллиард 391 миллион сўмлик, «Галлабанк» томонидан 2001 йил 1 октябрга 36 миллиард 611 миллион сўмлик, «Асакабанк» томонидан эса 1 ноябрга 81 миллиард 609 миллион сўмлик муддатли кредитлар ажратилган. «Ўзсаноатқурилиш» банки, 2001 йилда муддатли ўтган кредитлар ва уларнинг фойдасининг ўндошириш мақсадида 913,7 миллион сўмлик 24 та давво аризаси билан судларга мурожаат қилган, 34 та ҳолат бўйича тегишли ҳужжатлар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларга ўтказилган. Бундай амалиётдан «Асакабанк» ва «Галлабанк»да ҳам фойдаланилмоқда.

Бироқ текширишлар банк идоралари тизимида кредит маблағларини

ажратишда ва уларни ўз вақтида қайтаришда амалдаги қонун талаблари бузилаётганлигини ҳам кўрсатди. Хусусан, жойлардаги банklarнинг масъул ходимлари кичик ва ўрта бизнес субъектлари, деҳқон-фермер хўжалиқларининг кредит сўраб ёзган аризаларини ўз вақтида кўриб чиқмаслик, рўйхатга олмаслик, кредит ажратишни асоссиз рад этиш, муаллифларга тегишли жавоб юбормаслик каби қонун бузилишларига йўл қўймоқдалар. Шунингдек, «Тижорат банклари имтиёзли кредит бериш мақсус жамғармасини шакллантириш тартиби тўғрисида»ги Низомга кўра имтиёзли кредит бериш жамғармаси ишлаб чиқариш микрофирмаларига, кичик ва ўрта корхоналарга, деҳқон ва фермер хўжалиқларига банк фойдасининг 25 фоизи ҳисобидан шакллантирилган маблағлардан кредит ажратиши лозимлиги белгиланган бўлса-да, имтиёзли кредит режаларини бажариш эътибордан четда қолмоқда.

Ўтган давр мобайнида ўрганилган банklar ва уларнинг тизимида берилган кредитларни ва уларнинг фойдасини ўндошириш борасидаги ишлар ҳам қониқарсиз аҳволда. Текширилган банklar фаолиятида йўл

қўйилаётган қонун бузилишларидан яна бири — банklarнинг мансабдор шахслари томонидан мижозларга берилган кредитларни ўз вақтида ўндошириш чоралари кўрилмасдан, қонунбузарлик ҳолатини яшириш мақсадида кредитларни қайтариш муддати асоссиз равишда узайтириб келинган.

Тахлиллар шуни кўрсатдики, берилган кредитлар ва уларга ҳисобланган фойзаларнинг ўз вақтида тўланмасдан муддати ўтказиб юборилишига банк ходимлари томонидан кредитларнинг мақсадли ишлатилиши йўналишида мониторинглар ўтказиш йўлга қўйилмаганлиги сабаб бўлмоқда. Бу каби қонунбузарлик ҳолатларининг келиб чиқишини тегишли идоравий назоратнинг суст ташкил этилганлиги ва кўрилатган чоралар ўз самарасини бермаётганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Маърузада қайд этилган ҳолатлар бўйича «Асакабанк», «Галлабанк», «Ўзсаноатқурилишбанк» бошқаруви раислари ва уларнинг жойлардаги филиаллари бошқарувчиларининг тушунтиришлари эшитилди.

(Ўз мухбиримиз),
Суратлар муаллифи
А. ТЎРАЕВ


● ЖУРНАЛНИНГ ЯНГИ СОНИ

ЎҚИНГ, ОБУНА БЎЛИНГ

«Қонун ҳимоясида» журналининг 10-sonи ҳам муштарийлар қўлига етиб борди. Ҳуқуқ-тартибот идоралари ва прокуратура тизимидаги ўзгаришлар, қилинган саяё-ҳаракатлар, қўлга киритилган ютуқлар ва долзарб масалалар, ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари билан бўлган суҳбатларни ўз ичига олган журналнинг бу sonи ҳам ахборотларга бой ва қизиқарли.

Ушбу сонда, бутун жаҳон миқёсида катта муаммага айланган терроризм ва унга қарши кураш мавзусида туркум мақолалар берилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Бosh прокуратура ўринбосари Эшдавлат Жўраевнинг «Қонун ҳимоясида» журнали мухбирининг саволларига жавоблари, «Террор синдроми», «Халқаро терроризм талофатлари» мақолалари журналхонлар диққатини тортади, деб ўйлайман. Республика Бosh прокуратурасининг бўлим бошлиғи Ислам Жасимовнинг «Дадилад қадамлар» мақоласида «Ўзбекистон Республикаси прокуратураси тўғрисида»ги янги қонун ҳақида гап боради.

«Жадиладлар конституция ва қонунлар тўғрисида» мақоласида жадилад зиёлиларининг Конституция ва қонунларнинг жамият ҳаётида тутган ўрни ва аҳамияти тўғрисидаги қарашлари ифода қилинган. Мазкур сонда бошқа яна қўллаб қизикарли мақолалар мавжуд. «Интернет хабарлари» саҳифаси орқали сиз дунёда юз бераётган воқеалардан хабар топишингиз мумкин. Ўзбек детективининг мухлислари учун «Қасос алангаси» қиссасининг давоми журналдан жой олган.

**● ЭЪТИРОФ**

«БИЗ АДОЛАТ ҲИМОЯЧИСИМИЗ»

Хоразм вилоят прокуратураси ходимлари вилоятда қонун ва адолат устуворлигига эришиш учун бор билим ва маҳоратларини ишга солмоқдалар. Прокуратурага келиб тушган ҳар қандай ариза, шикоят ўз вақтида қонуний ечимини топтоқда. Прокуратурага мурожаат қилиб, дардига дармон топган кишилар миннатдорчилик билдиришни ҳам эсларидан қайтаришмайпти.

Яқинда вилоят прокуратура Дилшод Исроиллов номига Ўзбекистондаги АҚШ тинчлик корпуси директори жаноб Леги Лоренсдан миннатдорчилик изҳор этилган мактуб келди. Унда жумладан шундай сатрлар бор: «АҚШнинг тинчлик корпуси, АҚШ давлат департаментининг Ўзбекистонда ногирон болалар спортини ривожлантириш мақсадида йўллаган инсонпарварлик ёрдамини Хоразм вилоятда яшовчи ногирон болаларга етказиб беришда кўрсатган ёрдами учун Хоразм вилоят прокуратурасига ўз миннатдорчилигини билдиради.

Юзга келган айрим муаммоларни бартараф қилишда прокуратуранинг ички ишлар идораларида тергов ва суриштирувни назорат қилиш бўлими бошлиғи Рустам Собировнинг хизматларини алоҳида таъкидлашни истардим.

Вилоятда жиноятчиликка қарши курашиш ва Ўзбекистон Республикаси қонунларини ҳимоя қилишда қарафли ишда жамоангизга омад тилаймиз». — Бу хатни олишимизга сабаб, биз Ўргач ва Хивадagi ногирон болалар мактаби тарбияланувчиларига аталган 5 минг АҚШ доллари миқдоридagi спорт буюмларини тарқатишда қонунийлигини таъминлашга ҳиссамизни қўшган адик, — деди вилоят прокуратурасининг бўлим бошлиғи Р.Собиров. — Шу ўринда таъкидлашни истардимки, бугун прокуратура ва халқ ўртасида ҳеч қандай тўсқин йўқ. Биз халқимизга, халқимиз бизга суянган ҳолда қонунбузарликка, адолатсизликка қарши кураш олиб бормоқдамиз.

Б.УЛЛИБОБОВ,
«Хуқуқ» мухбири

Файзулло ЭРНАЗАРОВ

1992 йил 8 декабрда XII қақирқ Республика Олий Кенгашининг XI сессиясида модда-модда овоз бериш йўли билан қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси Президентимиз Исом Каримов ақл-заковатининг махсули ва халқимиз хоҳиш-иродасининг ёрқин ифодаси сифатида дунёга келди.

Агар Конституция лойиҳаси устида икки йил давомиди иш олиб борилганлигини, у икки ярим ой умумхалқ муҳокамасидан ўтиб, халқимиз тафаккури дурдоналари билан бойитилганини эсга олсак, Асосий Қонунимизнинг нақадар мукамаллигини

аниқ-равшан тасаввур эта оламиз.

Ҳаётимиздаги бугунги ўзгаришларнинг барчаси Конституцияда белгилаб қўйилган олийжаноб мақсадларимизнинг инъикосидир. Президентимиз таърифи билан айтганда, «жамиятда қонун ва адолат устуворлигини ўрнатишнинг ҳаётбахш манбаи» бўлган Конституциямиз ўз тузилиши, мазмун-моҳиятига кўра республикамизнинг аввалги Конституцияларидан тубдан фарқ қилади. Ўзбекистонни мустақил суверен давлат деб эълон қилди. Чинакам халқчиллик, демократизм унинг мазмун-моҳиятига сингиб кетган.

Бугун прокурорларимиз ҳуқуқий давлат қуришда дадил фаолият кўрсатаётти, десақ адашмаймиз. Мустақиллик йилларида юздан ортқ прокуратура ходими давлат муқофотларига сазовор бўлишгани бежиз эмас.

Прокуратуранинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ишини ўзро мувофиқлаштириш фаолияти қонун устуворлигини таъминлашда алоҳида аҳамият касб этмокда. Умумий иш учун мазкур тармокларга яқиндан ёрдам кўрсатилаётти.

Қонун ижодкорлиги борасида ҳар йили 50 дан ортқ қонун лойиҳалари юзасидан тақлифлар берилмокда. Давлат раҳбари — Республика Президентига ва ҳукуматга қонунийлик ахволи тўғрисида ахборотлар бериш билан бирга, қуйи органлар, бошқарув идоралари томонидан қонунларнинг бажарилиши ахволи ҳақида ҳам маълумотлар тақдим қилинапти. Барча суд ишларида прокурор иштироки тобора ортиб, ҳар йили қонун та-

Унга мувофиқ фуқароларнинг, қороналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатлари суд йўли билан самарали ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида барча инстанция судларида ишлар кўрилатганда прокурор қонунда белгиланган тартибда иштирок этади.

Янгиликлардан яна бири шундаки, қонунда Ўзбекистон Республикаси «прокуратура» ўрнига «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратура» деган атама жорий қилинди.

Бу билан Бош прокуратуранинг прокуратура тизимига раҳбарлик қилиши ифода этилди.

Қонуннинг янги тахририда Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан қабул қилинган буйруқлар ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларнинг қонунийлигини текшириш ваколати Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судига берилди ва бу билан прокуратура органларининг фаолияти устидан назорат тизими белгиланди.

Сир эмаски, кадрлар масаласи

Асосий Қонунимиз мустақиллик берган овоз фикир махсули, олий юридик кучга эга бўлган ҳужжатдир. У инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари ва эркинликларини қафолатлаб берди. «Ўзбекистон Республикаси фуқароси ва давлат бир-бирига нисбатан бўлган ҳуқуқлари ва бурчлари билан ўзаро боғлиқдирлар. Фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни қечлаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас», — дейилади Конституциянинг 19-моддасида.

Конституциямизнинг ўзига хос жиҳатларидан яна бири шунки, у умуминсоний қадриятлар қаторида халқимизнинг меҳр-оқибат, орномус, ифбат ва ҳаё, инсонийлик, мурувват ва саховат каби бебаҳо миллий қадриятларини ҳам ўз мазмун-моҳиятига сингдирган. Масалан, унинг «Оила» деб номланган XIV бобига кирган 66-моддасида шундай дейилади: «Вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида гамхўрлик қилишга мажбурдирлар». Миллий қадриятларимизнинг бебаҳо хусусиятларини ўзида муҳассамлаштирган бундай модда том маънода беназирдир ва бизнинг миллий манфаатларимизга тўла мос келади.

Конституциямиз ҳақида гапирганда, халқимиз ҳаётида ҳар йили тақоррланиб турадиган муҳим бир анъананинг аҳамиятини алоҳида таъкидлаш лозим.

Агар 1996 йил 6 декабрда Ўзбекистон Конституциясининг 4 йиллигига бағишлаб ўтказилган тантанали маросимни эслайдиган бўлсак, Президентимиз Исом Каримов шу тантананда 1997 йили «Инсон манфаатлари йили» деб эълон қилишнинг тақлиф этди. Шундай қилиб ажойиб анъанга асос солинди: «1997 йил — Инсон манфаатлари йили», Конституция кунига бағишланган кейинги йилликларда «1998 йил — Оила йили», «1999 йил — Аёллар йили», «2000 йил — Соғлом авлод йили», «2001 йил — Оналар ва болалар йили» деб эълон қилинди.

Бундай давлат аҳамиятига молик эзгу тақлифларнинг ҳар йили айнан Конституция кунига бағишлаган тантанали маросимда ўртага ташланишда чқур рамзий маъно бор. Теран мушоҳада қилидиган бўлсак, Конституциямизда инсон манфаатларининг давлат манфаатларидан устуворлиги қафолатлаб қўйилган. Бу конституциявий қоидаи амалда рўёбга чиқариш давлатимизнинг стратегик мақсади.

Инсон манфаатлари йили эса давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг жамият ва фуқаролар олдидаги масъулиятини кучайтиришда муҳим тарихий босқич бўлди ва бу жараён бугунги кунда ҳам тадрижий равишда ривожланиб бормокда.

1998 йилнинг «Оила йили» деб эълон қилинишида ҳам Асосий Қонунимиз билан мантқий боғлиқлик ва узвийлик мавжудлигини кўриш мумкин.

Энди Конституциянинг 63 ва 64-моддалари мазмунига эътибор берайлик: «Оила жамиятнинг асосий бунёдидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга» (63-модда), «Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар

А. ЭРГАШЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 1-ўринбосари,
3-даражали давлат адлия маслаҳатчиси

ҲУР ФИКР, ЮКСАК ТАФАККУР МАҲСУЛИ

боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар» (64-модда).

Миллий анъаналаримизга кўра инсондаги ватанпарварлик, мардлик ва ҳалоллик, ор-номус, шарм-ҳаё, поклик каби фазилатлар оилада шаклланади. Ота-она ўз конституциявий бурчини бажарар экан, фарзанд тарбиясига энг аввало, ана шу нуқтаи назардан ёндашмоғи, элим деб, юртим деб ёниб яшайдиган, оқил, доно ва билимли авлодни вояга етказиш учун қайғурмоғи лозим. Бу вазифаларнинг Конституция талаблари билан уйғунашиб кетганлиги ҳаётимизни мазмунан бойитида, ватан тараққиётига, эл фаровонлигига хизмат қилади.

«Аёллар йили», «Соғлом авлод йили» ва «Оналар ва болалар йили» ҳам Асосий Қонунимиз берган ҳақ-ҳуқуқларимизни англаш, бурчларимизни тушуниш йиллари бўлди. Ҳаётимизда чқур из қолдирган бу даврда ёш авлодни ҳар томонлама соғлом ва баркамол, эл-юрти учун фидойи фарзандлар қилиб тарбиялаш вазифасига масъулият билан ёндашиш ҳиссининг шаклланишига бизнинг энг катта ютуқларимиздан биридир.

Бундай ислохий ўзгаришларни амалга оширишда прокуратура органларининг хизмати катта бўлмокда, албатта.

1992 йилнинг 9 декабрида «Прокуратура тўғрисида»-ги Қонун қабул қилингандан сўнг ўтган 9 йиллик даврда прокуратура органлари мамлакатда қонун устуворлигини таъминлашга, демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш ишига муносиб ҳисса қўшдилар, деб ҳеч муболагасиз айтиш мумкин.

Албатта, ҳар қандай давлат ўзининг қонунлари ижросини таъминловчи ва бажарилишини назорат қилувчи органга муҳтождир. Шу боис прокуратура органлари зиммасига ёш давлат конституциявий тузумини, жамият ва фуқаро манфаатларини ҳимоя қилишдек масъулиятли вазифа юклатилди. Ушбу вазифаларни бажаришда, сўзсиз, жуда кўп ишлар амалга оширилди. Факатгина муурожаатлар билан ишлаш бўйича йилига 4 мингдан ортқ фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ҳимоя қилинмокда.

Бозор иқтисодиётига ўтиш, аҳолини ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлашнинг ўзига хос муаммолари, иқтисодиётни эркинлаштиришда учрайдиган мураккабликлар, турли қонунбузилишлар ва ҳуқуқбузарликларни келтириб чи-

қариши тушунарли, албатта. Бундай қонунбузарликларга қарши курашнинг долзарблиги прокуратура зиммасига алоҳида масъулият юклайди.

Масалан, дастлабки йилларда аҳолини талонлар бўйича меёрлаштирилган озик-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш масаласига кўпроқ эътибор қаратган бўлсак, кейинчалик савдонинг эркинлаштирилиши муносабати билан вазифаларимизни қайтадан кўриб чиқдик. Ёки кичик ва қўшма қорхоналарга ҳамда деҳқон-фермерларга эътибор қўнайирилганлигини олайлик. Бу масалаларда дастлаб асосий эътибор уларнинг тенглиги таъминлини таъминлашга қаратилди. Эндilikда кичик ва ўрта бизнес, тадбиркорлик субъектларининг манфаатлари ҳимояси кучайтирилганлиги инобатга олинмокда.

Шуларнинг ўзидан ҳам прокуратуранинг ислохотлар билан баробар, ҳамжиҳат қадам ташлаганини кўриш мумкин.

Мустақилликка қадар республикада йилига содир этилган жиноятлар бугунга келиб деярли 25 фоизга камайишига эришилди. Улар орасида энг оғир жиноятлар, қасддан одам ўлдириш, баданга оғир шикаст етказиш, босқинчилик, талончилик, вояга етмаганлар жиноятлари сезиларли даражада камайди.

Айни пайтда, бозор муносабатларига хос бўлган мўлка қарши иқтисодий жиноятлар салмокчи ўрин эгалламокда. Қўшни давлатлардаги беқарор вазият тўғрисидаги ҳақдор вазифа эканлигини халқимиз яқини тушунади.

Қонунбузилишлар ва жиноятларга қарши курашишга қолмай, уларнинг олдини олишга ҳам эътиборни қаратиб бораёямиз. Бунда бизга ҳуқуқий тарғибот фаолиятимиз кўп келмокда. Ҳар йили ўтказилаётган ўртача 50 мингдан зиёд тадбирларимиз ана шу муаммоларни ҳал этишга хизмат қилмок-

лабларига мувофиқ бўлмаган 5 мингдан ортқ суд ҳужжатларига протестлар келтирилмокда.

Жамиятимизда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш устувор вазифага айланганлигини ҳамда ҳозирги ва келажак авлодлар олдидаги юксак масъулиятни англаган ҳолда «Прокуратура тўғрисида»-ги Қонунни янги тахрирда қабул қилиш давр тақозоси бўлиб қолди ва иккинчи қақирқ Олий Мажлисининг олтинчи сессиясида ушбу Қонун қабул қилинди.

Шуни таъкидлаш жоизки, Қонун замон руҳига мос равишда янги мазмун ва келажакдаги вазифалар билан бойитилди.

Янги тахрирдаги қонунда прокуратуранинг ҳуқуқий мақоми ҳам ўзгариб, у эндilikда назорат қилувчи ёки текширувчи эмас, балки энг асосийки, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилувчи орган сифатида ўзини намоян этади.

Қонунда прокуратура органларини ташкил этиш, фаолият юритиш тартиби, асосий йўналишлари, ваколатлари ҳамда вазифалари белгилаб берилди.

Прокуратуранинг ҳимоя ваколатларини қўнайирувчи энг муҳим ўзгаришлар шундан иборатки, вазирликлар, қорхона ва ташкилотлар, ҳокимлар ва бошқа мансабдор шахслар томонидан фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг тўлиқ таъминлини мазкур қонунга асосан прокурор назорати остига олинандиган бўлди.

Прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишларига солиқ интизомини мустаҳкамлаш, солиқ соҳасидаги жиноятлар ва ҳуқуқбузарликларга қарши кураш, шунингдек, давлатга етказилган иқтисодий зарар ўрнини қоплашга қаратилган қонунларнинг бажарилиши устидан назорат қилиш вазифаси ҳам киритилди.

Қонунда Президентимиз томонидан илгари сурилган «Қўли давлатдан қўчи жамият сари» концепциясида келиб чиққан ҳолда жиддий ўзгаришлар ҳам ўрин олган.

Бундай ўзгаришни фуқароларнинг қонунларга риоя этишлари устидан назорат ҳақидаги норманинг қонундан чиқарилганида кўриш мумкин. Бу билан прокурорларнинг инсон ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиши, уларнинг устидан назорат олиб бормаслиги лозимлигига ург берилди. Қолаверса, ушбу қонун «Судлар тўғрисида»-ги Қонунга ҳам мувофиқлаштирилди.

энг мураккаб ва масъулиятли масалалардан биридир.

Кейинги йилларда прокуратура тизимига кадрлар қабул қилишда сифат жиҳатдан янги талаблар қўйилмокда. Қонунга прокуратура органлари ходимларининг масъулияти ва жавобгарлигини оширишга хизмат қилувчи прокурорлар ва терговчиларнинг қасамеди матни киритилди.

Эндilikда қонунийлик ҳолати, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлатнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг таъминлини прокурорлар фаолиятини баҳолашнинг асосий мезони бўлиб қолди.

Қонундаги бундай ўзгаришлар жамият учун қанчалик наф келтиради, прокуратуранинг ҳуқуқий ислохотларда тутган ўрни қандай бўлади, деган савол туғилиши табиий.

Биринчидан, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этишини конституциявий қафолатларни янада кучаяди.

Иккинчидан, ҳўжалик юритувчи субъектлар, шу жумладан, тадбиркорлар ҳимоясини қўнайириш орқали уларнинг эркин фаолият олиб боришлари учун шарт-шароит яратилади.

Учинчидан, прокуратура иш фаолиятидаги айрим маъмурий-буйруқбозлик услубларидан воз кечилиб, унда демократик принциплар устуворлик қилади.

Тўртинчидан, прокуратура органлари фаолияти устидан назорат қўнайириш ҳолда, ходимларнинг масъулияти ва жавобгарлиги ҳам ошади.

Президентимиз Исом Каримов иккинчи қақирқ Олий Мажлисининг олтинчи сессиясидаги маърузасида таъкидлаганидек, «Прокуратура халқнинг устидан назорат қилмаслиги, ақсина унга хизмат қилмоғи даркор». «Прокуратура тўғрисида»-ги Қонуннинг янги тахрири ана шундай халқчиллик руҳи билан суғорилган. Бу қонун бизнинг кўп қиррали ва кенг қўллами фаолиятимизда муҳим қўллама вазифасини ўташига ҳеч қандай шубҳа йўқ.

Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон халқини, шу жумладан, барча ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимларини Конституциямизнинг 9 йиллиги байрами билан самимий қўтлаймиз.

Эзгу тилагимиз — юртимиз тинч ва орошита, халқимиз турмуши фаровон, ҳаётимизда эса мудом қонун устувор бўлсин.

МАШҒУЛОТЛАР БОШЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Қонунчиликни мустаҳкамлаш муаммолари ва прокурор-тергов ходимларининг малакасини ошириш марказида вилоят прокуратураларининг тергов бошқармаси прокурорлари, шаҳар ва туман прокурорлари - ўринбосарларининг ўқув машғулотлари бошланди.

Машғулотни Республика Бош прокуратурининг ўринбосари Э.Жураев «Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг иккинчи қақриқ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг олтинчи сессиясида «Адолат — қонун устиворлигида» маърузасидан келиб чиқадиган долзарб вазифалар» маърузаси билан очди.

Ўқув машғулотларида янги тахрирдаги «Прокуратура тўғрисида»ги ва «Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонунларнинг ижросини таъминлаш жараёнидаги муаммоларни ҳал қилиш, тергов ва суриштирув устидан назорат қилиш самардорлигини оширишга қаратилган мавзуларда ўтказилди.

Тингловчиларга Марказ, Республика Бош прокуратураси бошқарма ва таркибий тармоқ бошлиқлари, республика ҳуқуқни муҳофаза этувчи идораларининг масъул ходимлари, Тошкент Давлат юридик институти, ИИБ академияси профессор-ўқитувчилари лекциялар ва амалий машғулотлар ўтказадилар.

УМУМ ЭЪЗОЗИГА САЗОВОР ҚОНУН

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси олий даражадаги қонун сифатида давлатимиз моҳиятини, унинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий тузумини, бошқаруving демократик принципларини, жамият ривожланишининг стратегик йўналишларини, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини ҳамда маънавий кадриятларимиз асосларини мустаҳкамлайди.

Конституция дунё давлатлари тажрибасига кенг таяниш ва унинг ижобий жиҳатларидан баҳраманд бўлиш асосида яратилган. Айни вақтда, унинг эътиборга молик ютуғи шундаки, Асосий Қонунимиз дунёнинг илгор конституцияшунослиги тажрибаси билан ўзбек халқининг бой тарихий, миллий ва маънавий кадриятларини уйғунлаштира олган.

Аввало Конституциямизнинг юксак нуфузи, кадр-қиммати шундаки, у инсон ва унинг қамолотини олий мақсад деб тан олди, унинг манфаатларига хизмат қилмоқда, инсон ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликларини устувор таъминлаш таъминлини онгу шууримизга сингирди. Унда давлат, давлат органлари ҳамда мансабдор шахсларнинг жамият ва фуқаролар олдига масъулиги мустаҳкамланган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасида демократиянинг принциплари устувордир, уларга қўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий кадрият ҳисобланади. Зеро, «жамият дунёвий неъматлар ораси-

да энг улуғи — инсон» деган ғоя Конституциямизнинг бош фалсафасини ташкил этади.

Бугунги кунда Асосий Қонун сиёсий ва ҳуқуқий эркинликнинг буюк тимсоли сифатида умум эъзозига сазовор бўлмоқда. Конституциямиз Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясининг барча меъёрларини ўзига сингирди. «Давлат органлари ва мансабдор шахслар — дейлади Асосий Қонунимизда, — жамият ва фуқаролар олдига масъулдирлар». Бу фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари устувор саналиши ва улар конституциявий даражада кафолатланишини англатади.

Конституция Ўзбекистон фуқароларининг қимматлиги эришиш учун лозим бўлган барча шахсий, иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий-маданий ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлаб берди. Бир сўз билан айтганда, унда инсонни улуғлаш, унинг эркин раванк топиши учун реал шарт-шароитлар яратиш ўз ифодасини топган.

Конституциявий қоидалар орқали янги демократик кадриятлар, таъминиллар ва ғоялар ижтимоий онгимизга, ҳуқуқий тафаккуримизга кириб келди. «Суверен давлатчилик» ва «одил демократик жамият» қуриш ғоялари, шунингдек, «қонун устуворлиги», «ҳокимиятлар бўлиниши», «сиёсий ҳурфикрлик», «кўппартиявийлик», «инсон ҳуқуқларининг дахлсизлиги ва устувор таъминланиши», «айбсизлик презумпцияси», «хусусий мулк» ва унинг қонуна муҳофазаланганлиги таъминиллари шулар жумласидандир.

Конституциямиз жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилган халқаро ҳуқуқ, таъминил ва қоидаларига тўла мос. Ўзбекистон халқаро ҳуқуқнинг тенг субъекти сифатида халқаро муносабатларга киришди. Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсати давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч ишлатиш билан таҳдид қилмаслик, чегараларнинг дахлсизлиги, низоларни тинч сиёсий воситалар билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик қоидаларига ва халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган бошқа нормаларига амал қилиш заминига қурилган.

Конституциянинг ўта муҳим жиҳати шундаки, унинг барча қоида-

лари, бутун ички салоҳияти ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамият барпо этишга йўналтирилгандир. Унда ҳуқуқий давлатчиликнинг асосий тамойил ва белгилари, ижтимоий адолат принциплари мустаҳкамланган. Барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар Конституцияга мос бўлиши талаб қилинади. Қонун олдида барча баробар. Қонунга бўйсунуш мажбуриятдан ҳеч ким халос этилмайди.

Конституция бозор иқтисодиётига ўтишга, хусусий мулкчилик муносабатларини қарор топтиришга хизмат қилмоқда. Мулкчиликнинг хилма-хил шакллари тенглигини, иқтисодий фаолият юритиш ва тадбиркорлик эркинлигини акс эттирувчи ғоя ҳамда қоидаларни мустаҳкамлайди. Унга қўра, хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат томонидан ҳимояланади.

У инсоннинг ақл даҳоси кашф этган ҳокимиятнинг демократик ташкил этиш тамойили асосида давлат идоралари ваколатларини ҳуқуқий жиҳатдан белгилаб беришга хизмат қилди. Шу асосда замонавий парламентаризм аъёнчаларига мос қонун қиравури, ижро этувчи ва судлов шахрочалари ўзаро ҳамкорликда фаолият юритишининг оқилона конституциявий механизми шакллантирилди. Ўзбекистон Конституцияси давлат ҳокимиятининг ваколатлари, ҳуқуқий мақомини белгилашда халқаро ҳуқуқ таъминилларида ҳамда жамият ва фуқаро манфаатларидан келиб чиқади.

Бизнинг бугунги ҳуқуқий доктринамиз мутлақо янги, демократик таъминилларга асосланган. У энг аввало, Ўзбекистон Конституцияси талабларига қўра, инсон ҳуқуқларининг устуворлигини таъминлайди. Инсон ҳимоянинг бош субъекти бўлиб, унинг ҳаёти ва соғлиғига суиқасд қилиш оғир жиноят ҳисобланади. Ана шу қоидалардан келиб чиққан ҳолда жиноий жазо тизимини либераллаштириш давлат сиёсатининг стратегик йўналишига айланди.

Бош Қонунимизда тараннум этилган демократик кадриятлар ва илгор ғоялар орқали ҳалқимиз маърифий дунёни англаётган бўлса, жаҳон афкор оммаси Конституциямиз орқали ҳалқимиз табиатини ва олижаноб фазилатларини англамоқда. Шунингдек, Асосий Қонунимизда ўзбек давлатчилигини замонавий маърифий асосларда қайта тиклаш дастури, тинч-товуш яшаш ва тинчликни барча чоралар билан мустаҳкамлаш, демократияни қучуқлаштириш, инсон ҳуқуқлари ва давлат суверенитети ғояларига содиқ қолиш, адолатли ҳуқуқий давлат барпо этиш, фуқаролар тинчлиги ва миллий ҳамжиҳатлигини таъминлаш баён этилган.

Оналарга, аёлларга чексиз ҳурмат, болажонлик, етимларнинг бошини силаш, меҳр-шафқатлилик, оила мустаҳкамлиги учун ғам-

хўрлик, фарзанд тарбияси ва соғлом авлод учун курашиш — буларнинг ҳаммаси ҳалқимизнинг бой ички маънавий дунёси, саховати ва қадимий маданиятини намоён этувчи фазилатлардир. Ушбу ҳолатлар Асосий Қонунимизда ўз ифодасини топган.

Конституция қоидаларининг тахлили унинг нақадар теран демократик фалсафий заминга, қудратли сиёсий-ҳуқуқий ҳамда маънавий-ахлоқий таъсир қўчига эгаллигини исботлайди. Конституциянинг худди ана шу ғоявий, фалсафий, ҳуқуқий-мафқуравий, маърифий-тарбиявий мазмун-моҳиятини аҳоли, айниқса ёшлар онига сингдириш мақсадида «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида» фармойиш қабул қилиниди ва Конституцияни ўрганишга оид махсус дастурлар, ўқув қўланмалари, дарсликлар яратиш учун мутахассислардан иборат нуфузли комиссия тўзилди. Бу давлатимизнинг Асосий Қонунига нисбатан билдирилган улкан ҳурмат ифодасидир. Конституцияни мукаммал билиш, унга қасий амал қилиш — нафақат мустаҳкам тарбия-интизом асоси, балки пировард натижада инсон ҳақ-ҳуқуқлари, эркинлиги ва кадр-қиммати, яъни ўзликни англаш демократия.

Конституциянинг ҳар бир моддаси ҳаётимизда қўлланилишини, унинг бевосита ҳаракатини таъминлаш муҳимдир. Конституциявий кўрсатмаларнинг ҳуқуқ-тарбиябот органлари томонидан бевосита бажарилишини таъминлайдиган механизм яратиш зарур. Зотан, конституциявий тузум мустаҳкамлигининг энг муҳим шарти Асосий Қонун нормаларининг тўғридан-тўғри ҳаракати ҳисобланади.

Конституцияни мукаммал билиш фуқаролар, шунингдек, барча давлат идоралари ходимлари ва мансабдор шахслар учун зарурий талабдир. Шундан келиб чиқиб, турли соҳа ва касб эгалари бўлган мутахассис ҳамда амалиётчилар учун семинар-кенгашлар, илмий-амалий конференциялар ўтказиш мунтазам йўлга қўйиш керак.

Шундай қилиб, Конституция ғоялари, таъминил ва қоидаларини ҳуқуқий тафаккуримиз ҳамда маданиятимизнинг таркибий қисмига айлантириш юртимизда демократик ҳуқуқий давлат барпо этишга пухта замин яратди.

Зеро, бундай давлатчиликни қарор топтириш унинг сиёсий-ҳуқуқий мафқурасини ижтимоий онгимизга сингдиришдан бошланади. Ана шу йўналишдаги саъй-ҳаракатда фаол иштирок этмоқ ҳар биримизнинг Ватан саодати ва равнақи йўлидаги муқаддас бурчимиздир.

Ҳожимурод ОДИЛҚОРИЕВ,
ИИБ академияси бошлигининг
ўринбосари, юридик фанлари
доктори

ИСТИҚБОЛИМИЗ МАЁФИ

Ўзбекистон Конституциясининг норматив-ҳуқуқий ҳужжат сифатида қабул қилиниши дунё сиёсий харитасида янги демократик давлат — Ўзбекистон Республикаси пайдо бўлганиги фактини тасдиқлади. Ушбу Конституция умуминсоний кадриятларга асосланади. Шунингдек, унда республикамизда яшовчи халқларнинг миллий хусусиятлари ва аъёнчалари ҳам тўла муҳасамаллаштирилган.

Фуқароларнинг кенг иштироки ва қизгин муҳокамаси остида қабул қилинган Конституциямиз ҳалқимиз манфаатларига тўла мос келади. Асосий қонунимизда давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг жамият ва фуқаролар олдига масъулиги алоҳида модда билан белгилаб қўйилган. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ҳуқуқий заминидан инсон ҳуқуқлари олий кадрият ҳисобланади.

Жумладан, Бош қонунимизнинг 13-моддасида инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари кўрсатилганлиги билан инсон шахси биринчи ўринда туриши кафолатланади. Конституциянинг ўзига хос жиҳатларидан бири фуқаролар ва давлат ўзаро ҳуқуқ ҳамда бурчлари орқали ўзвий боғланганлигидир. Шундай экан, фуқароларнинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишлари бошқа фуқароларнинг ҳамда давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатларига зид бўлмаслиги лозим.

Шуно дарида қабул қилинган конституцияларнинг бирортасида ҳам халқимизнинг менталитети тўлиқ акс эттирилмаган эди. Ҳозирги Конституциямиз жаҳон андозаларига тўла мос келади. Унда ҳокимият бир-бири билан боғлиқ уч ўзақдан, яъни қонун қиравури, ижро этувчи ва суд ҳокимиятларидан ташкил топиши ва бу ҳокимият органлари ўзаро ҳамкорликда ва мустақил фаолият олиб бориши кўрсатилган.

Конституциянинг 106-116-моддаларида суд ҳокимиятининг асослари аниқ белгиланиб, суд ва судьялар мустақил ва улар фақат қонунгагина бўйсунадилар, дейилган. Шу ўринда яқин ўтмишимизга яна бир назар ташташлик. Собик шўролар давлати конституцияларининг бирортасида суд ҳокимияти деган сўзни уратмайдик. Чунки суд тоталитар, маъмурий бўй-бўкимиз тузумининг бошқариш осон бўлган тартибига, таъйик, зўравонлик сиёсатини ўтказиш қуролига айлантирилган эди.

Инсонпарварлик ва демократик таъминилларни ўзига акс эттирган Конституциямиз фуқароларнинг фаровон ҳаёт кечиришлари учун қўл асрлар хизмат қилиши, шубҳасиз. Истиқболимиз йўлида маёк бўлиб турган муқаддас Конституциянинг қадрига етиб, тўлиқ ўрганиб ва унга амал қилиб яшасак, халқимизнинг асрий орзулари, албатта рўёбга чиқади.

Олим НАРЗУЛАЕВ,
ТДЮИ тадқиқотчиси




Ўзбекистон
Республикасининг
КОНСТИТУЦИЯСИ

64-модда

Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиб ва тарбиялашга мажбурдирлар.

Давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналарининг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиб, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлайди, болаларга бағишланган хайрия фаолиятларини рағбатлантиради.



Жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошқора кўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунча у айбдор ҳисобланмайди. Судда айбланаётган шахсга ўзини ҳимоя қилиш учун барча шароитлар таъминлаб берилади. Ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон қадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги таъзияка дучор этилиши мумкин эмас. Ҳеч кимда унинг розилигисиз тиббий ёки илмий тажриба-лар ўтказилиши мумкин эмас.

КОНСТИТУЦИЯ ВА АЙБСИЗЛИК ПРЕЗУМПЦИЯСИ

1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳуқуқий давлат қуриш мақсади эълон қилинди ва бу билан республикада инсон шахси, унинг ҳуқуқ ва эркинликларининг олий қадрияти эканлиги эътироф этилиб, демократик институтларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Жиноий судлов ишларини юритиш давлат фаолиятининг шундай соҳасики, бунда инсон ҳуқуқларига энг кўп таъсир ўтказилади. Жумладан, турли жиноий процессуал мажбуриятлар чоралари қўлланилади, жавобгарликка тортилаётган шахснинг тақдири, эркинлиги, ҳаёти ҳаёти ҳал қилинади. Айбсизлик презумпцияси эса инсон ҳуқуқларининг кафолати сифатида, уни ноҳақ камситишлардан, айбсиз шахсни жазоланишдан сақловчи восита сифатида майдонга чиқди.

Айбсизлик презумпцияси гарчи ҳуқуқий воқелигимизда янги тушунча бўлса-да, у турли шаклларда отаболларимиз томонидан амалда қўлланилиб келинган. Туркий қабилаларда жиноят содир этишда гумон қилинган шахс улус оқсоқоллари томонидан унинг қилиши аниқланмагунча қадр айбли ҳисобланмаган ва унга жазо берилмаган. Амир Темури ўз тузуқларида шахзодалар ёки ҳарбийлар ноҳақ ҳаракат содир этсалар, таътиш ўтказилиб, у кенгаш томонидан айб-ли деб топилмагунча жазоланмаганлиги ҳақида ёзади. Айбсизлик презумпцияси Европада XVII-XVIII асрларда пайдо бўлди ва асосий қоидалари ишлаб чиқилди. Ҳуқуқий давлат ҳояларини ривожлантириб, Монтескье «Агар фуқароларнинг айбсизлиги муҳофаза қилинмас экан, демок, эркинлик ҳам ҳимоя қилинмайди» дейди. Бекария эса: «Айбланувчини қийнаш керак эмас, чунки айбсизни қийнаш жазолаш дегани, қонунга кўра эса айби исботланмаган шахс айбсиздир», деган эди.

Конституциямизнинг 26-моддасида ушбу қоида узил-кесил мустаҳкамланди. «Жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошқора кўриб чиқилиб, айби аниқланмагунча у айбдор ҳисобланмайди», деб кўрсатилган. Айбсизлик презумпцияси деганда юридик фанда айби қонунда белгиланган тартибда ва тегишли органлар томонидан тасдиқланмагунча шахснинг айбсиз ҳисобланиши тушунилади. Бугун Ўзбекистонда айбсизлик презумпцияси одил судловнинг асосий принципи бўлиб қолди. Бу принципга амал қилинганда суд жазо тайинлашдан аввал жиноятни айнан шу шахс содир этганини аниқлашга мажбур. Жиноят процессида энг дахшатли нарсаси бу айбсиз шахснинг жазоланишидир. Бунда нафақат жазоланган шахснинг, балки бу гуруҳ шахсларнинг маъжуд тизимга ишончи йўқолади, потенциал жиноятчилар пайдо бўлади. Айбсизлик презумпцияси жиноятчи ва айбланувчи ўртасидаги аниқ фарқни кўрсатиб беради. Агар шахс-га нисбатан рад этиб бўлмайдиган далилларга асосланган ва қонуний қўлга кирмаган суд ҳукми бўлмаса, уни асло айбдор деб ҳисоблаб бўлмайди, бинобарин унга нисбатан жиноятчи сифатида муомала қилиш мумкин эмас.

Айбсизлик презумпцияси халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда ҳам ўз аксини топган. 1968 йилги Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пакт «Жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахс унинг айби қонунга биноан исботланмагунча қадр айбсиз деб ҳисобланган ҳуқуқига эга» деб айбсизлик презумпциясининг содда ва лўнда таърифини берган. Ушбу принципнинг Асосий Қонунимизда ўз ифодасини топиш демократияни ривожлантириш ҳамда инсон ҳуқуқларининг таъминлиши даражасини оширишдаги муҳим ютуқдир.

Ҳуқуқий давлатда айбсизлик презумпциясининг аҳамияти янада ошади. Мақсади фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш бўлган давлат аввало ўзи фуқароларга нисбатан зўрлик ишлатмаслиги керак. Бундай зўрликнинг энг дахшатли шакли айбсиз кишини айбли деб топиш ва уни жазолашдир.

Ижтимоий оқибатлари оғирлигига кўра суд ҳатто-ри жиноятдан ҳам юқори туради. Ҳеч қачон айбсиз шахсни айбли деб тан олинишига йўл қўймаслик тала-

би жиноятларнинг олдини олиш гарови бўлган жавобгарликнинг муқаррарлиги принциплари зид келиши ҳам мумкин.

Терговчи жиноятни тергов қилишда турли одамлар билан тўқнаш келади. Баъзида ишга жалб қилинган шахс билан биринчи мулоқотдан олинган таассурот салбий, ҳатто ёмон бўлиши мумкин. Бироқ терговчи давлат идорасининг ижроси сифатида фақатгина шахсий таассуротлари билан иш кўрмаслиги зарур.

Айбсизлик презумпциясига кўра, у ўзи айбдор деб билган субъект билан ҳам бўладиган муносабатда нейтрал (бетаф) позицияда туриши ва бутун жараён давомида қонунда белгиланган унинг барча ҳуқуқларини таъминлаши зарур. Шахсни айбли деб топиш бу фақат суднинг мутлақ ваколати ва бошқа ҳеч қайси орган бунга ҳақли эмас, бинобарин, ҳеч ким судга шахсга оқлов ҳукми чиқарилмаслигига қафолат бера олмайди. АҚШ Олий суди аъзоларидан бирининг фикри бу борада эътиборга лойик: «Халол инсонларнинг ҳуқуқлари, бу ҳуқуқлар нафратланарли ва нопоқ шахсларга ҳам таъминланганлигига муҳофаза қилиниши мумкин». Ибратли фикр. Бироқ бунда уларни жиноятчиларнинг тақдири эмас, балки ўзларининг эркинликларини қизқитирилади. Тоталитар тузум даврида буржуа давлатлари жиноят процессининг реакция моҳиятига ургу берилди, бироқ шахс ҳуқуқларининг давлат манфаатларидан ҳам юқорига кўтарилганлигига эътибор берилмади.

Айбсизлик презумпцияси маъму нарса эмас. У ҳар биримиз ноҳақлик ва асоссиз гумонга рўбарў бўлганимизда ўз қадримиз ва ор-номусимизни ҳимоя қилиш воситасидир. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят процессуал кодекси 23-моддасида унинг унча қондаси белгилаб берилган:

1. Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи унинг жиноят содир этишда айбдорлиги қонунда назарда тутилган тартибда исботланмагунча ва қонуний қўлга кирган суд ҳукми билан аниқланмагунча қадр айбсиз ҳисобланади.

2. Гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчи ўзининг айбсизлигини исботлаб бериши шарт эмас.

3. Айбдорликка оид барча шубҳалар, башарти уларни бартараф этиш имконини туғанган бўлса, гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши зарур.

Айбсизлик презумпциясининг иккинчи ва учинчи қоидалари ҳам шахс ҳуқуқларини таъминлашда катта аҳамиятга эга. Аввало айбланувчига ўзининг айбсизлигини исботлаш мажбурияти юклатилиши мумкин эмас, аксинча бу мажбурият суд, прокурор, терговчига юклатилган. 50:50 деб аталадиган ҳолатлар, яъни айбланувчининг айблилиги ҳам, айбсизлиги ҳам исботланмаган тақдирда унга айбдор ёки айбсиз деб қараб бўлмайди.

Бугунги кунда айбсизлик презумпцияси ҳуқуқ амалиётимизда тўла ва ўз мақсадига кўра амалга ошмоқда деб айта олаймиз. Шахсга судгача, ҳатто ушланган вақтдан бошлаб жиноятчиға қарагандай қараш ва уни жиноятчи қаби ҳуқуқлардан маҳрум қилиш кенг тарқалган. Масала фақатгина ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг онгидасига эмас. Гап шундаки, кўпчилик фуқаролар ҳалигача фақатгина суд шахснинг жиноятчи эканлигини аниқлаш ва жазо тайинлаши мумкинлигини билмайди. Ҳатто оммавий ахборот воситаларида ҳам «Жиноятчилар кўлга олинди», «Жиноятчи фалончи бўлиб қикди» қаби иборалар бемалол ишлатилаверади. Гарчи шахснинг айблилиги ҳали ваколатли орган томонидан исботланмаган бўлса ҳам...

Оммавий ахборот воситаларида айбсизлик презумпцияси шахснинг шаъни, қадр-қиммати, руҳини муҳофаза қилиш воситасига айланмоғи даркор. Жамият онги ва ҳуқуқий воқеликда айбсизлик презумпциясида ўз муносиб ўрнини эгаллаш вақти келди.

Нилуфар МУМИНОВА,
Тошкент Давлат юридик
институтини III босқич талабаси

ҲУҚУҚЛАРИМИЗ ҲИМОЯДА

Бундан тўққиз йил муқаддам халқимиз тарихида буюқ воқеа содир бўлди. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида мамлакатимизнинг Асосий Қонуни — Конституция қабул қилинди. 8 декабрь умумхалқ байрами деб белгиланди.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ундан аввал давлатимиз парламенти томонидан қабул қилинган «Мустақиллик тўғрисида»-ги декларацияда ҳамда Ўзбекистон Республикасининг «Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»-ги Қонунда мустаҳкамланган асосий тамойил ва ҳояларни ўзига акс эттириш ва уларни ривожлантирди. Тарихдан бизга маълумки, Ўзбекистонда мустақилликдан олдин ҳам қатор конституциялар қабул қилинган. Булар Туркистон Автоном Совет Социалистик Республикасининг 1918 ва 1920 йиллардаги, Хоразм ва Бухоро Халқ Совет Республикаларининг 1920-1921 йиллардаги, Ўзбекистон ССРнинг 1927, 1937, 1979 йилги Конституцияларидир. Мазкур Конституцияларнинг ҳаммасида пролетариат диктатурасини ўрнатиш, давлат органларини тузишга синфий ёндашиш натижасида коммунизм қуриш асосий вазифа қилиб қўйилган эди.

Ҳўш, мустақил Ўзбекистон Конституцияси улардан нимаси билан фарқ қилади? Аввало, у ҳақиқатан ҳам демократик, тарихда синалган умуминсоний, умумбашарий қадриятларни ўзига муҷассам этган, охириги моддасига қадр мустақиллик ҳояси билан ўйрилгандир. Қолаверса, у энг ривожланган давлатларнинг тарихий тажрибаларига таянган ҳолда яратилган. Конституциямизда энг олий қадрият сифатида асосий эътибор давлат ва тузумга эмас, балки инсон манфаатларига қаратилган. Унинг 13-моддасида «Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра, инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади», деб белгилаб қўйилган. Бундан ташқари, инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари эълон қилинибгина қолмасдан, шу модданинг ўзига демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилиниши мустаҳкамланди. Ҳар қандай

давлат органининг, ҳар қандай мансабдор шахснинг фаолияти инсон манфаатларига бўйсундирилади. Бу борада Ўзбекистон Президентини Ислам Каримовнинг қуйидаги сўзларини келтириш жуда ўринли: «...Бу Конституция ўзининг турб моҳияти, фалсафа, ҳоясига кўра янги ҳужжатдир, унда коммунистик мафкура, синфийликдан асар ҳам йўқ. Жамият дунёвий неъматлар орасида энг улуғи инсон деган фикрни илғари сурдик ва шу асосда «Фуқаро-жамият-давлат» ўрта-сидаги ўзаро муносабатнинг одилона ҳуқуқий ечимини топишга интилади».

Шундай қилиб, Конституциямизда қадриятларнинг устунлиқ мавқеи «шахс-жамият-давлат» тартибда белгиланган бўлиб, бунда эркин, онгли, мустақил уюшган халқ — ҳокимиятнинг чинакам манбаи ва ифодоланувчиси; суверен, демократик, ҳуқуқий давлат шахс ва жамият манфаатлари ҳамда ҳуқуқларининг ҳимоячиси. Шу тарзда, Конституция фуқаро, жамият ва давлат ўртасидаги ўзига хос ижтимоий шартнома вазифасини ўтайди ва бу муносабатларда устуворлик инсонга тегишли бўлиб, унинг манфаатлари ижтимоий тараққиёт этишининг мақсади ва асоси эканлигини очик-ойдин белгилайди.

Ўзбекистон Конституцияси халқимизнинг муҷассамлашган ақли-идроки самарасидир. У суверен республиканинг тобора ривожланиб боришида Асосий Қонуннинг юксак ролига тамомила мос келади.

Конституция жамиятимизда халқ манфаатлари йўлида ишловларни давом эттириш учун шарт-шароит яратишга қаратилган ҳуқуқий асосларни вужудга келтирди. У инсон ҳуқуқлари барқарорлиги ва ҳар бир оиланинг муносиб ҳаёт кечиришини, Ўзбекистоннинг барча фуқароларига ишончли истиқболни қафолатлаб келмоқда.

Рустам СОДИКОВ,
Оролбўйи транспорт
прокурори ўринбосари

Конституция -
фуқаролар нигоҳида

БАХТНОМА КИТОБИМ БОР

Конституциямиз қабул қилинган йиллик мўъажзага китобча ҳолида чоғ этилган эди. Уни туманимиз марказидан харид қилиб, иш столидаги китоблар ёнига қўйганмиз. Хар гал кўзим тушганида кўлга олиб варақлайман. Аммо, тан олиб айтадиган бўлсам, диққат билан ўқимаган эдим. Кейинчалик эса...

Бир кун мактабимиз директори Р. Муродов мени ҳузурига қақиртириб, туман миқёсида ўтказиладиган «Конституция - бахтимиз пойдевори» номли кўрик-танловга ўқувчиларни тайёрлаш лозимлигини айтиб қолди. Бироз иккиландим. Оўнг таваккал қилиб ишга киришиб кетдим.

Кўрик-танлов низоми бўйича ўқувчилар Конституциямиз моддаларини бирма-бир таҳлил қила бошладилар. Нихоят, ҳажоний лаҳзалар етиб қелди. Савй-ҳаракатларимиз ўз самарасини кўрсатиб, мактабимизнинг эзку ўқувчилари туман босқичида 1-ўринни кўлга қиритишди. Шундан кейин танловнинг вилоят босқичида ҳам жамоамизга омад қилиб бокди. Беллашуларда ғолиб чиқиб, республика миқёсидаги танловда иштирок этиш ҳуқуқини кўлга қиритдик. Ҳозирда тайёргарлигимиз қизган.

Айтиб ўтганим ўша китобча ҳамон дарс столим устида. Миллатимиз тақдири ва истиқболни белгилаб берувчи ушбу китобчага ҳозир бошқа меҳр, эътиқод билан қарайман. Қўлга олганимда «Бахтнома китобим бор», деган ифтихор туйғуси кўнглимдан кечади.

Гўзал ФАРМОНОВА,
Тойлок туманидаги 30-ўрта мактаб ўқитувчиси

Конституция - фуқаролар нигоҳида ҲУҚУҚИМИЗ ҲИМОЯЧИСИ

Асосий Қонунимиз халқаро ҳуқуқ нормалари талабига тўла жавоб бериши, ўзининг оддийлиги ва барча учун тушунарлилиги билан ажралиб туради. Лекин афсуски, орамизда ҳалигача конституцион ҳуқуқ ва эркинликларини яхши билмайдиганлар ҳам топиллади. Ўзини шу юртнинг фуқароси деб билгувчи одам уни ўраб турган олам, унда бўлаётган ўзгаришлар билан қизиқтири, янгиликни интилиб яшаши лозим. Бунинг учун бугунги кунда республикамизда барча имкониятлар яратиб қўйилган.

Шу йилнинг 4 январь кунин Президентимизнинг «Ўзбекистон Конституциясининг ўрганилиши ташкил этиш тўғрисида»ги Фармойиши чиқди. Мутахассисларга Конституциянинг жамиятдаги ўрни ва аҳамиятини, ноҳиятини ўргатиш, ёш авлоднинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш мақсадида 2001 йилнинг 1 апрелига қадар дастурлар ишлаб чиқиш, дарсликлар яратиш вазифаси топширилди. 2001 йилнинг сентябридан бошлаб эса барча таълим муассасаларида ўқитиш ишлари бошлаб юборилди. Аммо бу ишни кампаниябозлик деб тушунамаслик лозим. Чунки у шу юрт ва унинг раънақи учун қилинаётган хайрли ишдир.

Пардабой БУХОРОВ
меҳнат фахрийси
Наманган вилояти,
Косонсой шаҳри

БИЛИМ — БАХТ КАЛИТИ

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 41-моддасида «ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга» деб ёзиб қўйилган. Ҳозир ер юзидида икки юздан зиёд давлат мавжуд бўлиб, уларнинг аксариятида ҳалигача саводсизликка барҳам берилмагани эътиборга олинса, Асосий Қонунимизнинг нақадар олийжаноб мақсадларни қўзда тутиши ойдинлашади.

Конституциявий нормаларни ҳаётга таътиқ этиш учун истиқлолга эришганимиздан сўнг мамлакатимиз олий таълим тизимига тўб ислохотлар амалга оширилди.

Бизнинг Нукус Давлат университетида ҳам кейинги йилларда бир қатор ижобий ишлар қилинди. Яқинда унинг 10 йиллигини нишонладик. Аудиториялар ҳозирги замон талабалари асосида жиҳозланиб, компьютер, техник ускуналар билан таъминланди.

Ҳуқуқшунослик факультети айниқса ешларнинг сеvimли масканига айланган. «Сиз касбингизни сеvasизми?» «Конституция ва биз» каби мавзуларда ўтказилаётган баҳо-мунозаралар талабаларнинг ўз ҳақ-ҳуқуқларини муфассал ўрганишларида кўл келаяпти.

Жўлмирза ҲАКИМНИЁЗОВ,
Нукус Давлат университети
ҳуқуқшунослик факультети
декани

ЖАМИЯТИМИЗ ПОЙДЕВОРИ

Яқинда мустақиллигининг ўн йиллиги нишонланган Ўзбекистон бугун улкан ютуқларга эришганлиги барча учун мутлақ ҳақиқат. Айниқса, ҳуқуқий-демократик давлат қуриш, фуқаролик жамияти барпо этиш борасида амалга оширилган ишлар шак-шубҳасиз тарихий салмоққа эга. Табиийки, бу ютуқларнинг, тарихий қадамларнинг асосида Конституциямиз ётади. Бу фикрни ўз вақтида Президентимиз Ислоҳ Каримов ҳам таъкидлаган эди: «Авалло, барчамиз бир ҳақиқатни англаб, тушуниб бормоқдамиз, бугун жамиятимизда қандай ютуқ ва марраларга эришаётган бўлсак, буларнинг пойдеворида Конституциямиз — буюк ҳаётимиз қомуси ётади». Жиззах вилоятининг Дўстлик ва Жиззах туманлари прокурорлари А.Турсунов ва Қ.Бекмирзаевлар билан суҳбатимиз мавзуси ҳам айнан Конституциямиз асосида бўлаётган ўзгаришларга бағишланди.

— Маълумки, йил бошида Президентимиз томонидан Конституцияни ўрганилиши ташкил этишга оид фармойиш қабул қилинган. Дастлавлан ушбу фармойишнинг жойлардаги ижроси қай тарзда ташкил этилаётганлиги хусусида гапириб берсангиз.

А.Турсунов,

Дўстлик тумани прокурори:

— Ўз вақтида қабул қилинган ушбу фармойишнинг аҳамияти тўғрисида тўхталиш жоиз деб ўйлайман. Маълумки, мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш ўзининг янги бир босқичига кирди. Бинобарин, халқимизнинг ҳуқуқий маданияти, саводхонлиги ҳам шу жараёнларга баробар ўсиб бориши шарт. Бунинг улкан омили эканлигини англаб етган мамлакатимиз раҳбарияти ушбу фармойишни қабул қилар экан, бир вақтинч ўзида халқимизнинг улкан контингентини қамраб олишни, уларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишда янги босқичга кўтарилишни назарда тутганлиги оддий бир ҳақиқат. Дўстлик туманида бу ишлар ибратли тарзда ташкил этилмоқда. Прокуратураимиз ходимлари томонидан жойларда уюштирилаётган учрашулар, суҳбатлар, тарғибот шаклида бир вақтнинг ўзида ўрта-маҳсул ўқув муассасаларида Конституцияни ўрганиш мунтазам равишда йўлга қўйилди. Прокуратура ходимлари кўмагида жойлардаги ўқув юртларида «Конституция бурчаги» ташкил этилди. Мактаблар, касб-ҳунар коллежларини тегишли адабиётлар билан таъминлашни назоратимизга олдик. Жойлардаги ўқув юртларимизда Конституциямиз асосларини ўрганиб бориш изчил йўлга қўйилган.

— Келинг, суҳбатимизнинг асосий мавзусига қайтсак. Конституциямизнинг жамиятимиз, давлатимизнинг асослари ҳисобланадиганлиги, уларнинг ҳуқуқий маданияти, саводхонлиги ҳам шу жараёнларга баробар ўсиб бориши шарт. Бунинг улкан омили эканлигини англаб етган мамлакатимиз раҳбарияти ушбу фармойишни қабул қилар экан, бир вақтинч ўзида халқимизнинг улкан контингентини қамраб олишни, уларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишда янги босқичга кўтарилишни назарда тутганлиги оддий бир ҳақиқат. Дўстлик туманида бу ишлар ибратли тарзда ташкил этилмоқда. Прокуратураимиз ходимлари томонидан жойларда уюштирилаётган учрашулар, суҳбатлар, тарғибот шаклида бир вақтнинг ўзида ўрта-маҳсул ўқув муассасаларида Конституцияни ўрганиш мунтазам равишда йўлга қўйилди. Прокуратура ходимлари кўмагида жойлардаги ўқув юртларида «Конституция бурчаги» ташкил этилди. Мактаблар, касб-ҳунар коллежларини тегишли адабиётлар билан таъминлашни назоратимизга олдик. Жойлардаги ўқув юртларимизда Конституциямиз асосларини ўрганиб бориш изчил йўлга қўйилган.

— Келинг, суҳбатимизнинг асосий мавзусига қайтсак. Конституциямизнинг жамиятимиз, давлатимизнинг асослари ҳисобланадиганлиги, уларнинг ҳуқуқий маданияти, саводхонлиги ҳам шу жараёнларга баробар ўсиб бориши шарт. Бунинг улкан омили эканлигини англаб етган мамлакатимиз раҳбарияти ушбу фармойишни қабул қилар экан, бир вақтинч ўзида халқимизнинг улкан контингентини қамраб олишни, уларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишда янги босқичга кўтарилишни назарда тутганлиги оддий бир ҳақиқат. Дўстлик туманида бу ишлар ибратли тарзда ташкил этилмоқда. Прокуратураимиз ходимлари томонидан жойларда уюштирилаётган учрашулар, суҳбатлар, тарғибот шаклида бир вақтнинг ўзида ўрта-маҳсул ўқув муассасаларида Конституцияни ўрганиш мунтазам равишда йўлга қўйилди. Прокуратура ходимлари кўмагида жойлардаги ўқув юртларида «Конституция бурчаги» ташкил этилди. Мактаблар, касб-ҳунар коллежларини тегишли адабиётлар билан таъминлашни назоратимизга олдик. Жойлардаги ўқув юртларимизда Конституциямиз асосларини ўрганиб бориш изчил йўлга қўйилган.

— Келинг, суҳбатимизнинг асосий мавзусига қайтсак. Конституциямизнинг жамиятимиз, давлатимизнинг асослари ҳисобланадиганлиги, уларнинг ҳуқуқий маданияти, саводхонлиги ҳам шу жараёнларга баробар ўсиб бориши шарт. Бунинг улкан омили эканлигини англаб етган мамлакатимиз раҳбарияти ушбу фармойишни қабул қилар экан, бир вақтинч ўзида халқимизнинг улкан контингентини қамраб олишни, уларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишда янги босқичга кўтарилишни назарда тутганлиги оддий бир ҳақиқат. Дўстлик туманида бу ишлар ибратли тарзда ташкил этилмоқда. Прокуратураимиз ходимлари томонидан жойларда уюштирилаётган учрашулар, суҳбатлар, тарғибот шаклида бир вақтнинг ўзида ўрта-маҳсул ўқув муассасаларида Конституцияни ўрганиш мунтазам равишда йўлга қўйилди. Прокуратура ходимлари кўмагида жойлардаги ўқув юртларида «Конституция бурчаги» ташкил этилди. Мактаблар, касб-ҳунар коллежларини тегишли адабиётлар билан таъминлашни назоратимизга олдик. Жойлардаги ўқув юртларимизда Конституциямиз асосларини ўрганиб бориш изчил йўлга қўйилган.

латимиз қурилиши асосларини тарқиб топтиришдаги ўрни қандай эканлиги ҳар доим ҳам муҳокама-лар марказида бўлган.

Қ.Бекмирзаев:

— Бу мавзу оммавий ахборот воситалари томонидан кўп бора ёритилган ва ўрганилган. Айтиш мумкинки, Конституциямизнинг жамиятдаги ўрни қунлар мобайнида суҳбатлашсангиз ҳам тугамайди-кан улкан бир мавзу эканлиги барчамизга аён. Мен суҳбатимиз давомида Конституциямизнинг жамиятимиз иқтисодий асосларини бунёд этиш, иқтисодиётнинг ҳуқуқий пойдеворини яратишдаги аҳамиятидек яхлит мавзуга кўпроқ тўхталишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайман. Айнан мустақиллигимиз туфайли бизга туҳфа этилган Конституциямизда жамиятимиз, давлатимизнинг янги асосларини қуришдаги асосларни белгилаб берилган. Маълумки, етмиш йил давомида ҳукм сурган тоталитар тузум шароитида иқтисодий муносабатлар исканжага олинган, ўта марказлаштирилган ва қисқа қилиб айтганда ягона давлат мулки асосига қурилган иқтисодиёт ҳукмрон эди. Шак-шубҳасиз, Конституциямизнинг тарихий аҳамияти шунда бўлди-ки, илк бора мамлакатимизда барпо этилаётган иқтисодиёт асослари унда ҳуқуқий жиҳатдан мустақамлаб қўйилди.

А.Турсунов:

— Фикрингизга тўла қўшиламан, иқтисодиётимизнинг асосий тамойиллари Конституциямизда ўз ифодасини топган. Менинг назаримда асосий қонунимиз биринчи навбатда ҳар бир шахснинг меҳнат қилиш, мулкка эгаллик қилиш ҳуқуқларидан келиб чиқиши, мулкчиликнинг хилма-хил шакллари тан олинishi билан аҳамиятли бўлди. Иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлиги, мулк

шаклларининг тенг ҳуқуқлилигининг кафолатланганлиги, уларнинг ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза этилиши Конституциянинг энг аҳамиятли жиҳатларидан биридир. Нима учун деган савол туғилади. Табиийки, ўтмиш тузумда бу кафолатларнинг, бу ҳуқуқ ва эркинликларнинг биттаси ҳам мавжуд эмасди. Бинобарин, гап янги-ча тарзда ташкил этилиши лозим бўлган, сифат жиҳатдан мутлақо фарқ қиладиган иқтисодиёт ҳақида бораётганлиги эндиликда оддий ишчи ёки хизматчи ҳам аён.

— Конституциямиз қабул қилинганлиги ҳам тўққиз йил бўлди. Утган мuddат мобайнида конституциявий тамойилларни ҳаётга таътиқ этишда қандай марраларга эришилди деб ўйлайсиз?

А.Турсунов:

— Бугун барчамизга аён. Утган мuddат мобайнида Конституциямиз томонидан белгиланган иқтисодиётимизнинг асослари тўла яратилишига муваффақ бўлинди. Тадбиркорлик, мулкка эгаллик ҳуқуқи, бозор иқтисодиётининг асослари, инфратузилмалари бунёд этилди. Фермерлик, ҳиссдорлик жамиятлари, эркин тадбиркорлик шакллари эндиликда ҳеч ким учун янгилик эмас.

Қ.Бекмирзаев:

— Шунга қарамадан янги иқтисодий муносабатлар негизини барпо этиш осон бўлмаганлигини таъкидламоқчи эдим. Гап жойлардаги ҳуқуқий саводхонлик, қолаверса, эскича фикрлаш тарзидаги «туғанок механизми» ҳақида бормоқда...

А.Турсунов:

— Жорий йилдаги иқтисодий жиноятчиликка оид маълумотлар таҳлили фикрингизни тўлиқ исботлайди. Келинг, мисолларга мурожаат қилайлик. Дўстлик тумани ДСИнинг жисмоний шахсларни солиққа тортиш бўлими инспектори томонидан 2001 йил биринчи ярми давомида тадбиркорларнинг ҳуқуқлари поймол этилаётганлиги аниқланди. Маълум бўлишича 2001 йил давомида жисмоний шахслардан ундирилган 1 млн. 44 минг сўм солиқлар тегишли тартибда топширилмасдан талон-тарож қилинган. Мана бўлаётган ўзгаришларга муносабат. Тадбиркорлар томонидан қанча заҳмат билан топишган маблағдан ажратма давлатга топширилмаганини ҳеч қанча оқлаб бўлмайди. Мана яна бир мисол: Дўстлик тумани

Машина трактор парки ишчиси Абдували Қулматов турли эҳтиёт қисмларни талон-тарож қилган. Бу йўл билан у давлат мулкига зарар келтирган. Бу мисолларнинг барчаси ҳали орамизда эскича фикрловчилар мавжудлигини кўрсатиб турибди.

Қ.Бекмирзаев:

— Бу тарздаги мисолларни мен ҳам кўплаб келтиришим мумкин. Уларнинг қўпчилигида фуқароларнинг мулк-ий-молиявий ҳуқуқи қўпол равишда поймол қилинади. Жиззах туманининг собиқ бош меъмони Қодиркул Холматов фуқаролардан смета лойиҳалари учун йирилган қарийб 750 минг сўм пулни ўзлаштириб юборади. Жиззах бизнес мактабининг собиқ директори Сафар Ҳокимбоев ва Холдор Пармоновлар 56 нафар ўқувчининг молиявий-мулк-ий ҳуқуқини поймол этиб 288 минг сўмлик стипендияларини талон-тарож қилиб юборадилар. Хулоса тарзида шунга айтишим мумкинки, иқтисодиётга оид жиноятчиликнинг асосий қисмини мулк-ий ҳуқуқларга дахл қилиш ташкил этади.

— Конституциямизда белгиланган иқтисодий негизлар тўғрисида гап борганда либераллаштириш тўғрисида тўхталиш ҳам жоиз деб ҳисоблайман.

А.Турсунов:

— Гарчанд бу алоҳида суҳбат мавзуси бўлса ҳам, мавзумизга алоқадор жиҳатлари мавжудлиги туфайли қисман тўхталса бўлади. Эркинлаштириш — барча ҳаба-ларда бўлган сингари иқтисодиётга ҳам ўта зарур ҳаёт-ий эҳтиёж сифатида қабул қилинмоқда. Бу ўринли ҳам. Тадбиркорлик фаолиятига ўринсиз аралашувлар, турли хил «хўжайинлик»лар ҳанузгача учраб турган экан, эркинлаштиришга эҳтиёж сақланиб қолаверадир. Шартномаларни хўжақўрнинг тузиш, ерга, мулкка бўлган эгаллик ҳуқуқларига баъзан ноқонуний аралашувлар муаммага айланиб қолди. Эндиликда мулкка эркинлик ва ҳуқуқларни қатъийлаштириш либераллаштиришнинг бош асоси. Шундай экан, бундай жараёнларни фақат қўлаб-қувватлаш зарур бўлади. Конституциямизнинг иқтисодиётга оид асосий тамойилларини тўла қарор топтириш ҳам айнан эркинлаштириш жараёнига боғланиб бормоқда.

— Санимий суҳбат учун ташаккур.

А.МУСТАҒОҚУЛОВ,
«Ҳуқуқ» муҳбири



КОНСТИТУЦИЯ — ЮКСАК ҚАДРИЯТ

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Қонунчиликни мустаҳкамлаш муаммолари ва прокурор-тергов ходимлари малакасини ошириш Марказининг Фарғона филиалида Фарғона, Андижон ва Наманган вилоят прокуратуралари ҳузуридаги солиққа оид жиноятларга қарши курашиш департаменти бўлими бошлиқлари ва суриштирувчилари билан «Конституция — юксак ижтимоий-ҳуқуқий қадрият» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Анжуманда Конституция инсон ҳақ-ҳуқуқларининг кафолати эканлиги, шунга мувофиқ ҳар бир фуқаро уни англаб етишиши ва муқаддас деб билиши шартлиги таъкидланди.

(Ўз муҳбиримиз)

Тўқсон иккинчи йилнинг қишдан дарак бериучи совуқ шамол эсиб турган ўша кўни ҳали-ҳануз ёдимда. Ташқари совуқ эди, лекин парламентнинг мажлислар залида ўзгача бир илқ, айтиш мумкинки, қайноқ вазият ҳукм сурар эди. Бу ерда тўлпанганларнинг ҳаммаси — халқ ноиблари, меҳмонлар ўзларининг қандайдир катта бир тарихий воқеа бўсағасида турганликларини ҳис қилардилар. Ниҳоят, қўллаб қўтилган дақиқалар етиб келди. Мустақил Ўзбекистон Президентини Ислам Каримов бир қўлини қабул қилинаётган Асосий Қонунига, иккинчи қўлини эса муқаддас Курьони Каримга қўйгани ҳолда Қасамд қабул қилди. Мажлислар зали гулдурс қарсақлар зарбидан титраб кетди.

Вақт — буюк ҳакам дейдилар. Бу гапда жон бор. Зеро, у фурсати, мавриди етиши билан ҳамма нарсани жой-жойига қўяди. Ўзининг ҳолис баҳосини беради. Орадан ўтган тўққиз йил ҳам республикаимизнинг Асосий Қонуни қай даражада ҳаётий, таъбир жоиз бўлса, яшовчан эканлигини жаҳонга баралла ёзган қилди.

Маълумки, ҳар бир давлат ўзининг Асосий Қонунида давлат ва жамият қурилишининг тамойилларини, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият тараққиётининг иқтисодий асослари ва стратегик йўналишларини мустаҳкамлаган тақдирдагина ҳақиқий, суверен давлат бўла олади.

Ўша, 1992 йилнинг 8 декабр кўни Конституциямиз инсон ҳуқуқлари ва мустақиллик гоёларига содиқ бўлиш асосий мақсад-

ҲАЁТИМИЗНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

лардан бири эканлигини тантанали равишда эълон қилди. Бу гоё мамлакатимизда галаба қилди, деб айтиш учун тўла асосимиз бор. Ўзбекистон Марказий Осиёдагина эмас, балки бутун қитъадаги барқарор давлатлардан бири бўлиб қолганлигини айтиб ўтиришнинг ҳожасти бўлмаса керак.

Мутахассисларнинг фикрига кўра, Конституциямиз суверен давлатимизнинг қонуний жиҳатдан шакллантиришнинг асоси бўлди. Конституциямизда биринчи марта ҳокимият бири биридан мустақил бўлган учта ўзақдан — қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятидан ташкил топиши эътироф этилди. Конституциямиз янги жамиятимизнинг ишончли ҳуқуқий қафолатларини назарда тутди.

Ўтган йиллар мобайнида давлатимизнинг Асосий Қонуни жамиятимизни босқичма-босқич ривожлантиришга хизмат қилди. Хозирги Ўзбекистон жаҳон билан тенг қадам ташлаётган, ўзининг ёрқин истиқболлини белгилаб олган экан, буни сўзсиз Конститу-

циямизнинг ҳаётдаги инъикоси деб тушуниш мумкин.

Демократик тамойиллар асосида ишлаб чиқилган, халқ муҳокамасидан ўтган Конституциямиз ўз моҳияти эътибори билан фуқаролар эркинлиги, уларнинг ҳуқуқи ва манфаатларини ҳимоялашга қаратилган. Олти бўлим, 26 боб ва 128 моддадан иборат Бош Қонунимиз инсон ҳуқуқлари ва давлат суверенитети гоёларига содиқлик, ўзбек давлатчилигининг тарихий таърибаси, демократия ва ижтимоий адолатга содиқлик, халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этган қоидаларини тан олган инсонларвар демократик ҳуқуқий давлатни барпо этиш, фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувлигини таъминлаш каби гоёт демократик принципларга асосланганлиги билан муҳим ва барҳаётдир.

Асосий Қонунимиз инсонни, Ўзбекистон фуқаросини жамият ва давлатнинг олий қадрияти, яъни асосий ва муҳим бойлиги деб эътироф этди. Конституциянинг 60 дан орттиқ боби шахс, фуқаро ҳуқуқлари ва эркин-

ликларига бағишлангандир.

Чунончи, 52-моддада «Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш — ҳар бир фуқаронинг бурчидир», деб кўрсатиб қўйилган. Бу Ўзбекистон тупроғида яшаб турган ҳар бир фуқаро ўз она юртини ҳар қандай ёт кўчлардан ҳимоя қилиши, унинг шавкатли Қуролли Кучлари сафларида ҳарбий хизматни виждонан ва ҳалол ўташи шарт, деган маънони ифодалайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси — қонуний демократик ҳужжатдир. У халқимизнинг хоҳиш иродасини тўлиқ ифода-ламани учун ҳам бағоят қимматлидир. Мустақил мамлакатимиз ўз тараққиётининг янги тарихий босқичига, демократик принциплар жамият ҳаётида чуқур илдири отаётган дав-рига қадам қўйди.

Бунда албатта Конституциямиз ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Ш.УЗОКОВ,
Ўзбекистон Республикаси ҳарбий
прокурорининг 1-ўринбосари

Маълумки, етарлича умумий ва ҳуқуқий маданиятга эга бўлган кишигина Конституция унинг хотиржамлигини ҳимоя қилишини тушунади, қонун йўли қўйиши мумкин бўлган чегараларни билади. Ўзбекистон Президентининг 2001 йил 4 январда эълон қилинган «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисидаги фармойишидан, айтиш жоиз бўлса, ана шундай мақсадлар кўзда тутилган эди. Тахририятимизга ТДЮИ томонидан пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги мактабларда «Конституция дарслари»ни ўтиш ташкиллаштирилганлиги ҳақида хабар келган кўниёқ ушбу илм даргоҳига ошиқдим.

Яшириб нима қилдим, кўнглимда ушбу тадбир Конституциямиз қабул қилинган сана арафасидаги одатий «кампаниябозлик» бўлса керак деган шубҳа ҳам йўқ эмасди. Бироқ институтнинг ўқув ишлари бўйича проректори Рустам Зуфаров билан бўлган қисқа мулоқотдан сўнг шубҳам тарқаб, энди ўзим бу тадбирга қизиқиб қолдим.

Домланинг айтишича машгулотлар олиб борилаётганига салкам икки йилдан ошибди. Тадбирнинг энг аҳамиятли томони — Конституция дарсларини бевосита институт талабаларининг ўзлари олиб боришар экан. Рустам Зуфаров ушбу хайрли иш ҳақида батафсил маълумот олиш ниятим борлигини сезиб, мени тадбирда энг фаол иштирок этаётган 3-хуқуқ факультети декани Одина Зокирова ҳузурига бошлаб бордилар.

— Маълумки, Конституцияни ўрганишни ташкил этиш тўғрисидаги фармойиш бўйича жуда кўп тадбирлар ўтказилган, — дея сўз бошлади Одина опа, — институти-миз бевосита ҳуқуқшунослик ин-ститут бўлганини боис ҳам ушбу фармойиш бизнинг зиммасизга икки баробар кўпроқ масъулият юк-лайди. Институт раҳбарияти, қола-верса, талабаларимиз ана шу масъ-улиятни чуқур ҳис қилган ҳолда бир қатор тадбирларни ўтказиб келмоқда.

Жумладан, институти-мизда Кон-ституцияни ўргатиш борасида та-лабаларнинг ёшдан, борақарашидан келиб чиқиб тузилган режа-ларимиз мавжуд. Ўз навбатида иши-мизни ана шу режа асосида та-ш-кил этганимиз.

Бироқ Конституцияни ўзимиз ўрганиш билан чекланиб қолсак унчалик тўғри бўлмаслигини ан-глаб, уни фуқароларимизга ўр-га-тиш, Конституциямизда белгилан-қўйилган ҳуқуқ ва бурчларни ту-

кумлашдик. Талабаларнинг им-кониятларидан келиб чиқиб, бола-жонларга совға-саломлар улашдик. Бундан ташқари, С.Раҳимов ту-манида жойлашган «Меҳнат фах-рийлари пансионати»га ҳам таш-риф буюриб, у ердаги қариялар-нинг кўнглини олишга ҳаракат қил-дик. Шу нарсанинг гувоҳи бўлдик-ки, бир отахон, исми фамилиясини айтиш шарт эмасдир, тўққиз на-фар фарзанди бўла туриб ушбу муассасада яшаётган экан. Ваҳо-

Шунингдек, биз қарияларимиз-га институти-миз қоида иқтидор-ли талабалардан ташкил этилган Юридик клиникадан бемалол, хо-ҳ-лаш вақтларда фойдаланишлар-и мумкинлигини таклиф қилдик.

Сўхбат давомида Одина опа ана шу тадбирларда фаол иштирок этаётган бир неча талабаларнинг исми-шарифларини алоҳида таъ-кидлабдилар. Вақтни ўтказмай, улар-нинг ўзларидан ҳам икки оғиз фикр олишга ҳаракат қилдик.

рида намойиш этилади.

Шероод Жураев,
3-курс талабаси:

— Мен ушбу тадбир давомида «Меҳнат фахрийлари пансионати»даги тадбирда иштирок этдим. Очиги, бу ерда яшаётган қария-ларнинг мунгли нигоҳлари ҳалига-ча мени таъжиб этади. Бир фар-занд сифатида ўз отаси, онасини қариган чоғида қаровсиз қолди-риб, қариялар уйига ташлаб қўйган кимсаларга нисбатан нафратим ошиди. Ўз пушти камаридан дунёга келтириб, ўзи емай едириб, ичмай ичириб, вояга етказган, охир оқибат, қариган чоғида кераксиз бўюмдек фарзандлари меҳрига зор бўлиб яшаётган қарияларга ачи-ниш ҳисси пайдо бўлди менда. Демак, бу ердаги қарияларнинг фарзандлари Конституцияда белги-лаб қўйилган бурчларини бажариш-маётир. Ахир уларга нисбатан қан-дайдир чора кўрилиши керак эмас-ми?

Қолаверса, бу ҳол урф-одатла-римиз, қадриятларимизга ҳам мут-лако зид-ку.

Ҳа, ТДЮИ томонидан амалга оширилаётган ушбу тадбир нечоғ-ли аҳамият касб этганини талаба-ларнинг таассуротларидан ҳам билиб олиш қийин эмас. Энг асо-сийси, бу тадбирлар мавсумий бўлиб қолмайди. Унинг ташаббус-корлари ҳали жуда кўп хайрли иш-ларни режалаштирилганликларининг гувоҳи бўлдим.

Дарвоқе, сая қолса Одина опа билан сўхбатимиз чоғида у кишига берган ваъдам ёдимдан кўтари-лаёзибди. Гап шундаки, пойтахти-миздаги С.Раҳимов туманида жой-лашган «Меҳнат фахрийлари пан-сионати»га энг яқин бекат жуда олисда жойлашган экан.

Муассаса ёнида битта бекат қурилса, шаҳарга чиқиб келиш учун кексаларга қўлайлик яратилган бўларди. Қарияларнинг таъкидлаш-ларича бу ҳақда туман, шаҳар ҳокимликларига бир неча бор му-рожаат қилишлари жавобсиз қол-ган.

Хуллас, мутасадди идоралар ушбу муаммонни ҳал этиш учун те-гишли чора кўрадилар деб умид қилиб қоламиз. Зеро, Конституци-ямизнинг асосий меъдонини ҳам ин-сонпарварлик ташкил этади.

Жаҳонгир ШАРОФБОВ,
«Ҳуқуқ» мухбири

ИНСОНПАРВАРЛИК АСОСИЙ ҚОНУНИМИЗНИНГ БОШ МЕЗОНИ

шунтириш, тарғибот-ташвиқот иш-ларини ҳам йўлга қўйишга қарор қилдик. Талабаларимизнинг ташаб-буси билан яқинда институти-миз қоидадаги юридик-академ лицей ҳамда Юнусобод туманида жой-лашган барча мактабларда «Кон-ституция дарслари» ўтказилди. Дарслар давомида ўқувчилар бе-раётган саволлардан шу нарсига амин бўлдикки, ёшларимизда ушбу қонунимизни ўрганишга иштиёқ жуда катта. Қолаверса, талаба-ларимизнинг мустақил равишда дарс ўқишлари ҳам уларнинг билим ва тадрибаларини мустаҳкамлашда ёрдам берди.

Эңилиқда ҳар бир мактаб маъ-мурияти билан келишиб, курс му-раббийлари билан тузилган шарт-нома асосида ҳафтада икки марта ушбу мактабга бериқтирилган та-лабанинг «Конституция дарси»ни олиб боришга қарор қилдик.

Шунингдек, институти-мизда фуқароларнинг ижтимоий муҳо-фазасига кенг ўрин берилганлигини ҳисобга олиб, талабаларимиз бил-лан пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги «Меҳрибонлик уйи»да бўлдик.

Бундан кейин мунтазам равиш-да алсқа қилиб туришга келишил-ган ушбу «Меҳрибонлик уйи»да спорт мажмуаси ташкил этишга

ланки, Конституциямизнинг 66-моддасида «Вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-она-лари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар» деб ёзиб қўйил-ган. Бу ҳолат талабаларимизга қай-сидир маънода таъсир қилганига шубҳам йўқ. Аммо шу билан бигра Асосий Қонунимизнинг 45-модда-сида белгиланган «Вояга етмаган-лар, меҳнатга лаёқатсизлар ва ёлғиз кексаларнинг ҳуқуқлари дав-лат ҳимоясидадир» деган бандига бу ерда нечоғли амал қилинаёт-ганлиги ҳам бевосита гувоҳ бўлдик. Айтмоқчиманки, қарияла-римизга барча шарт-шароитлар муҳайё этилган. Бироқ улар ўз фарзандларига берган меҳрни ўзлари кўраолмаётганликлари учун азият чекадилар, ҳолос.

Шундай бўлса-да, Конституци-ямизда миллий қадриятларимиз-га, ўзбекона урф-одатларимизга қанчалик эътибор берилганлиги бежиз эмаслигини ҳис этдик.

3-декабрь — Ногиронлар кўни муносабати билан кексаларимиз-га совға-саломлар улашдик, кон-церт дастури ташкил қилдик. Умуман Конституция кўни арафасида қилинаётган бу хайрли ишларда талабаларимизнинг ўзлари ташаб-бус кўрсатаётгани бизни жуда қувонтирмоқда.

Мухтабар Хусанова,
3-курс талабаси:

— Маълумки, шу йилнинг 4 ян-варидеда юртбошимизнинг Консти-туцияни ўрганиш бўйича фармой-ишлари чиққан эди. Ҳар қандай ҳуқуқий-демократик давлатда қонун устувор бўлади ва бу унинг асосий тамойилларидан биридир. Бунга амалга ошириш учун давлат-нинг ҳар бир фуқароси қонунни, унинг моҳиятини чуқур англаб ети-ши зарур. Аксинча бўлса бу қонун-лар собиқ тузумдаги каби қозғо-да қолиб кетаверади.

Биз мактабларга бориб ҳар бир синфда машгулотлар ўтказдик. Асосан Конституциянинг ёшларга оид моддаларига эътибор қарат-дик.

Бу машгулотлар нафақат бизда, балки ўқувчиларда ҳам чуқур таас-сурот қолдирди, деб ўйлайман. Қолаверса, барча мактабларда ҳуқуқшунослик тўғрараклари та-ш-кил этдик. Бунга ўз навбатида мак-таб маъмуриятлари ҳам қизғин қар-ши олдилар.

Талабаларимиз бу билан чекла-ниб қолгани йўқ. Яқинда биз ўзи-мизнинг конституциянинг қанчалик яқин билишимизни аниқлаш мақ-садига виторина ўтказдик. Ушбу виторина Ўзбекистон телеведе-ниесининг байрамолди дастурла-

Ўзбекистон Республикасининг муқаддасида қуйидаги жумлаларни учратиш мумкин:

«Ўзбекистон халқи ... инсон ҳуқуқларига ва давлат суверенитети ҳолатига содиқлигини тантанали равишда эълон қилиб,
... халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган қоидалари устунигини тан олган ҳолда,
... инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этишни қўзлаб...
ўзининг муҳтор вакиллари сиймосида Ўзбекистон Республикасининг мажбуриятларини қабул қилади».

ИНСОНПАРВАРЛИК НАМУНАСИ

Ҳа, мустиқилликнинг ўн биринчи йилини қаршилаётган Ўзбекистон Асосий Қонуни-нинг дебосида битилган юқоридаги сўзларни амалга ошириш борасида жиддий ўзгаришлар қилди. Инсон ҳуқуқлари, халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган қоидалари ҳусусида гап кетса, шубҳасиз мавзу ўз-ўзидан суд-ҳуқуқ тизими фаолиятига бориб тақалади. Негаки, инсон шайни, кадр-қиммати, фуқаролик ҳуқуқларининг қай даражада ҳимояланганлиги ёки унинг акси аввало мамлакат суд-ҳуқуқ фаолияти билан чамбарчас боғлиқдир.

Инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш йўлидан бораётган мамлакатимиз мақсад сари босқичма-босқич қадам қўйиш йўлини танлади ва амалда ҳам худди шундай қилинди. Жамият ҳаётидаги ўзгаришларни, жумладан суд-ҳуқуқ фаолиятидаги ислохотларни қўзатиб, ушбу фикрга келиш мумкин. Лекин мазкур соҳада кейинги йилларда юз берган ўзгаришларни хаёли равишда тўб бурилиш деб атасак, муболага бўлмади. Жумладан, мамлакат парламенти томонидан қабул қилинган «Судлар тўғрисида»-ги, «Прокуратура тўғрисида»-ги янги тахрирдаги қонунлар суд ва прокуратура идораларининг фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги ролини янада оширди. Айниқса, Президентимиз Ислам Каримовнинг ташаббуси билан «Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»-ги Қонун мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизими фаолиятида янги даврни бошлаб берди.

Мазкур қонун қабул қилиниши муносабати билан унинг аҳамияти, суд-ҳуқуқ тизимини эркинлаштиришдаги, фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги роли ҳусусида оммавий ахборот воситаларида жуда кўп чиқишлар қилинди, учрашувлар, халқаро конференциялар уюштирилди. У ҳақда қанча ижобий фикр юритсак ҳам кам. Негаки у ҳақиқий маънода фуқаролар манфаатларини очик-ойдин ифода этган умум бир ҳужжатдир. Очигини айтганда устозларимиз, ҳатто улардан олдинги авлод ҳуқуқшунослари ҳам бундай инсонпарвар қонунга биринчи бор рубару келдилар. Ҳулас, қонунга ушбу тахлитда хоҳлаганча ижобий тавсифлар бераверсиз мумкин. Лекин уни ўқиб-ўрганиш, амалиётда тўғри қўллай олишимиз биз сўз юритаётган қонунга бўлган ҳурматимизнинг амалий ифодаси бўлади.

Ушбу қонун қучга кириши муносабати билан мамлакатимиз ҳуқуқ-тартибот идоралари ўз фаолиятларини унда белгиланган тамойилларга мувофиқлаштириб олдилар. Шу жумладан прокуратура идоралари ҳам мазкур қонун асосида фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя этишга қатъий эътибор қаратди. Лекин айрим судлар, прокуратура идораларининг ҳозирги давргача бўлган фаолиятига назар ташлайдиган бўлсак прокурорлар томонидан давлат айблови номигагина қувватланганлигини, судьялар айбланувчилар содир этган жиноятларнинг ҳусусиятларига, ижтимоий ҳавфлилик даражасига, жавобгарлини енгилаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга етарли эътибор бермаганлигини оқибатда қаттиқ ҳақ қоралари қўлланганлигини кўриш мумкин. Қуйида ушбуларнинг далили сифатида айрим мисолларни келтираман.

Сидраев туман судида Жиноят кодексининг 186-1 моддаси 3-қисми билан айбланган И. Салаевнинг жиноят иши қўрилишида давлат айбловини қувватлаган туман прокурорнинг ердэмчиси айбдорнинг қилимишга иқролиги, пушаймонлиги, тамаки маҳсулотлари давлат фойдасига мусодара қилинганлиги, муқаддам судланмаганлиги ҳамда қарамогидан воёга етмаган фарзандлари борлигини инобатга олмасдан уни 10 йилга озодликдан маҳрум этиш ҳақида асоссиз фикр берган. Туман суди эса давлат айбловининг мантиқсиз ва адолатсизлиги фикрга эид равишда судланувчига нисбатан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, унга уч йил ахлоқ тузатиш ҳақи жазосини тайинлаб, суд залида қамқондан озод қилган.

Иқтисодий соҳасидан жиноятларни содир этган шахсларнинг жиноят ишларини апелляция, кассация ва назорат босқичларида қайта қўриш амалиётини ўрганиш шунки кўрсатдики, баъзи ҳолларда судлар ва прокурорлар томонидан унча оғир бўлмаган жиноят содир этган шахсларга нисбатан ҳақо тайинлашда, уларни жамиятдан ажратмаган ҳолда қайта тарбиялаш мумкин бўлгани ҳолда, озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ қоралар қўлланилмоқда.

Масалан, Гурлан туман судининг ҳукми билан фуқаро Ё. Тожибоева ЖКнинг 182-моддаси 2-қисми ва бошқа моддалар билан айбдор деб топилди, ЖКнинг 59, 61-моддаларига асосан 10 йилга озодликдан маҳрум этилган. Судда давлат айбловини қувватлаган туман прокурори судланувчининг айбини енгилаштирадиган бир қанча ҳолатлар борлигини инобатга олмасдан уни 11 йил муддатга озодликдан маҳрум этиш ҳақида асоссиз фикр берган. Айни вақтда ушбу ноқонуний суд ҳукмига нисбатан вилоят прокуратураси раҳбарияти ҳам ўз муносабатини билдирмаган. Ушбу қонунбузилиш ҳолатига Республика прокуратураси томонидан чек қўйилиб, Олий судга назорат тартибидея протест киритилди. Олий суднинг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2001 йил 19 июндаги ақрили билан Ё. Тожибоевага нисбатан тайинланган жазо ЖКнинг 72-моддасига асосан шартлига алмаштирилиб, 2 йил синов муддати белгиланган ва у қамқондан озод қилинган.

Энди бир жиноятга берилган икки жазо ўртасидаги фарқни кўринг. Бизни ўйлантирадигани давлат айбловини қувватлаган прокурор, ҳукми ўқиган судья айбланувчининг авел киши эканлигини, муқаддам судланмаганлигини, маҳсулотлар давлат фойдасига мусодара қилинганлигини, ёлғиз она ҳамда қарамогидан унча нафар воёга етмаган фарзанди, кекса онаси борлигини, қамқоқ олинган, болалари қаровечисиз қолганлигини инобатга олмаган!

Хулоса қилиб айтганда, «Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»-ги Қонун юқоридаги қабил қонунбузилишлар ва хатотиклар тақдорланмаслигини, энг муҳими қонунларимизнинг инсонпарварлигини кўрсатувчи умум ҳужжат сифатида эътиборга моликдир. Биз ҳуқуқ-тартибот идоралари ҳодимлари юқорида айтилгандек уни чуқур ўқиб-ўрганишимиз, амалиётда қўллай олишимиз керак. Ана шундангина бизнинг ишимиз ҳам давлатимиз илгари сураётган инсонпарварлик сиёсатига тўла мос келади.

Ганишер АБДУСАЛОМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг судларда жиноят ишлари қўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш бошқармаси прокурори

Олий Мажлисининг
иккинчи чақириқ олтинчи
сессиясида «Жиноий
жазоларнинг либерал-
лаштирилиши муносаба-
ти билан Ўзбекистон
Республикаси Жиноят,
Жиноят-процессуал
кодекслари ҳамда Маъ-
мурий жавобгарлик
тўғрисидаги кодексига
ўзгаришлар ва қўшимча-
лар киритиш ҳақида»-ги
Қонун қабул қилинди.
Шу муносабат билан
самарқандлик бир гуруҳ
ҳуқуқшунослар ушбу
қонун ҳақида ўз фикр-
мулоҳазаларини баён
этдилар.

Махкамжон ҲАМИДОВ,
вилоят прокуратураси судлар-
да жиноят ишлари қўрилишида
прокурор ваколатини таъминлаш
бўлими катта прокурори:

— Қонунлардаги ўта қаттиқ-
қўлликни адолатпарварликнинг
муқабат белгиларидан деб бўлмай-
ди. Қолаверса, қонунлар ижросида
тўлақонлиликка эришишда улар-
нинг оддий одамлар ҳам ёдда ту-
таётган лўнда ва аниқ бўлиши
аҳамиятлидир. Шафқат мурув-
ват нафаси уфурган янги қонуни-
миз фуқароларни ҳимоя қилишда-
ги яна бир дадилликдир.

Илгари «ижтимоий ҳавфи кат-
та бўлмаган жиноятлар» турку-
мига озодликдан маҳрум қилиш жа-
зосидан енгилроқ жазолар тайин-
ланадиган жиноятлар киритил-
ган бўлса, янги қонунга мувофиқ 3
йилдан кўп бўлмаган муддатга
озодликдан маҳрум қилиш тарзи-
даги жазо ва ҳақийқатсиз оқибат-
тида содир қилган жинояти учун
5 йилгача озодликдан маҳрум қилиш
жазоси билан жазоландиغان жи-
ноятлар ҳам шу туркумга кири-
тилади.

Унча оғир бўлмаган жиноят-
ларга муқаддам 5 йилгача озод-
ликдан маҳрум қилиш ҳақида эҳтиё-
тсизлик туфайли содир этилиб,
озодликдан маҳрум қилиш назарда
тутилган жиноятлар киритил-
ган.

Янги қонун талаби бўйича эса
«унча оғир бўлмаган жиноятлар»-
га қасддан содир қилган жинояти
учун 3 йилдан 5 йилгача озод-
ликдан маҳрум қилиш ҳамда эҳтиё-
тсизлик қўбатидаги жинояти учун
5 йилдан ортиқ муддатга озод-
ликдан маҳрум этиш жазосини
тайинлаш қўзда тутилган жазо-
ларни кириши белгиланган.

Бундан ташқари, ушбу қонун
билан Жиноят кодексининг махсус
қисмидаги 51-моддасида кўрсати-
лган жиноятларнинг санкцияси ли-
бераллаштирилган.

Муқаддам оғир деб эътироф
қилинган (5 йилдан 10 йилгача озод-
ликдан маҳрум қилиш жазоси бел-
гиланган) жиноятлар таснифи
ўзгартрилиб, улар унча оғир
бўлмаган (5 йилгача озодликдан
маҳрум қилиш жазоси белгилан-
ган) жиноятлар қаторига қўшил-
ган, ўта оғир жиноятлар (10 йл-
дан ортиқ озодликдан маҳрум
қилиш) енгилаштирилиб, оғир
жиноятлар қаторига қўшилган.

Шунингдек, ўта оғир жиноят-
лар туркумига қирайдиган жино-
ятлар сони ҳам жазолар енгила-
штириши муносабати билан камай-
тирилган.

ҚОНУНЛАРДА ШАФҚАТ ЯШАЙДИ

— Янги қонунга мувофиқ ЖК ва ЖКнинг барча моддалари санк-
циясида «мол-мулкни мусодара қилиш» чиқариб ташланди. Шу борадаги
фикрларингиз?

Толибжон БОЙЗОҚОВ,
жिनот ишлари бўйича Сиб туман суди судьяси:

— Очигини айтиш керак. Собиқ шўро тузумидан ҳали-ҳанузгача мерос
бўлиб келаётган мол-мулкни мусодара қилиш судланувчи учунгина эмас,
балки унинг барча оила аъзолари иқтисодиётида катта йўқотишларни
келтириб чиқарди. Маълум жазо муддати тайинлаш билан бир қаторда
«мол-мулкни мусодара қилиш» жазосининг ҳам эълон қилиниши баъзи
ҳолатларда ўлганнинг устига тенган бўларди.

Туманимиз ҳудудида яшовчи судланувчи Н. Калонов жабранувчи Н. Фай-
зиевнинг уйига кириб 30400 сўмлик мол-мулкни ўғирлагани учун суд ҳукми
билан 5 йилга озодликдан маҳрум этилди. Менинг расмийимда ўтган суд
мажлисида қонунга биноан унинг мол-мулкни мусодара қилишимизга
тўғри келган. Бу каби жиноятларнинг эл орасида кам эмаслигини ҳисоба
олсак, айни қонун кўнгина норозигарчиликларга барҳам берди, деб ўйлай-
ман.

Жазо тайинлашдан аввал ҳар доим, гуноҳидан ўтишининг илоҳи йўқми-
кин, деб ўйлаб кўриш керак. Бундай қилиш учун айнан мамлакатимиз
қонунлари кенг йўл очиб берди.

— Янги қонунда озодликдан маҳ-
рум қилиш жазолари камайтири-
либ, жарима солиш жазоси кучай-
тирилган. Бунинг афзаллик томо-
ни нималардан иборат?

— Қонунни амалда қўллаш би-
лан бир қаторда уни ўргана бориш
ҳам ўта муҳимдир. Шундай эмас-
ми?

Умир ТЎХТАМИШЕВ,
Пастдарғом туман прокурори:

— Яқинда бир танишим асар
озодликдан маҳрум қилиш камай-
тирилиб, жарима солиш жазоси
қўлланиладиган бўлса, пулдорларга
худро бераркан-да, деб қалтис ҳазил
қилди. Унинг бу ноўрин ҳазили қонун
моҳиятини тўлиқ тушуниб етмай
хулоса чиқарганидан далолат эди.
Негаки, Ўзбекистон Республикаси
ЖКнинг 44-моддасига асосан илгари
жарима энг кам иш ҳақининг 5
бараваридан 100 бараваригача ун-
дирилса, янги қонунга мувофиқ 5
бараваридан 600 бараваригача ун-
дирилиши белгиланган. Жариманинг
бу қадар баланд миқдорда белгилан-
б қўйилиши, айниқса, шахсий манфа-
атдорлик йўлида қўл урилган жино-
ятларнинг пайини кесилиш турган-
ган. Бир бугина эмас, янги қонун
аёллар ва воёга етмаганларга, шу-
нингдек ёш 60 дан ошган эркаклар-
га тайинланган жазоларни ен-
гилаштириши назарда тутилган.

Шунингдек, Жиноят кодекси
янги «Ярашилганлиги муносабати
билан жиноий жавобгарликдан озод
қилиш» ҳақидаги модда билан тўлди-
рилган. Ушбу моддага асосан иж-
тимоий ҳавфи катта бўлмаган
ЖКнинг жами 26 та моддасида
кўрсатилган жиноятларни биринчи
маротаба содир этган шахс асар ўз
айбига иқдор бўлса, жабранувчи
билан ярашса ва етказилган зарар-
ни бартараф этса, жиноий жавоб-
гарликдан озод этилиши белгилан-
б қўйилган.

— Аждодларимиз орзу этган, тож бўлиб толемизга битилган буюк
истиқлол туфайли мана шу осуда қунларга эришдик. Истиқлол милла-
тимизга урф-одатларимиз акс этган инсонпарвар қонунларни ҳаёда этди.
Шафқат нафаси уфурган бундай қонунлар ҳар доим эъзозланиши, ҳимоя
этилиши лозим. Сўхбатларингиз учун раҳмат.

«Давра сўхбатини «Хуқуқ» муҳбири
Мансур АЛОВУДДИНОВ олиб борди

ТЕРРОРИЗМ — УМУМИНСОНИЯТ ДУШМАНИ



ГИЁХВАНДЛАР — ТЕРРОРЧИ

Туманимизда 150 минг нафардан кўпроқ аҳоли истиқомат қилади. Президентимиз ва ҳукумати-мизнинг мамлакатни бозор иқтисоди-сига ўтказиш борасидаги ислохотлари тобора ўз самарасини бера-пти. Бунга тиббиёт соҳасида ҳам қўриш мумкин.

Ана шундай тинч, аҳиллик билан ишлаётган халқнинг безовталиги кимга керак? Биз ўзбекистонликлар террорнинг нима эканлигини тушунамиз. Тошкентдаги 16 фев-раль, Сурхондарёдаги воқеалар ҳали кўз олдимиздан кетгани йўқ. Террор офати на мамлакат, на дин, на миллат танлайди. Улар мавжуд Конституциявий тузумни ағдариш, иқтисод, халқ ҳўжалиги, сиёсатни издан чиқаришдан иборат. Ана шу оддий ҳақиқатни ҳаммамиз тўғри тушуниб илғаб олишимиз керак. 3000 дан зиёд одам меҳнат қилаёт-ган жамоамиз ҳам террорни лая-натладилар. Жамоамизда 2 нафар жаҳон уруши, 4 нафар Афғон уру-ши иштирокчиси бор. Улар уруш-нинг, ёвузлигини нима эканлиги-ни айтиб бердилар. Оддий мисол: фақат Афғон урушининг ўзида кан-чадан-қанча юртдошларимиз ша-хид кетди.

Шифокор сифатида айтаман, назаримда террорчиликка гиёхван-дликка ружۇ қўйганлар ҳам фаол қатнашиши мумкин. Шунинг учун халқимиз орасида бу ёмон иллат-нинг беъаъни оқибатини кенг ту-шунирмоқдамиз. Ҳозирча биз-нинг рўйхатимизда 20 нафар гиёх-ванд бор. Уларни даволамоқдамиз. Ҳар бир қадами назоратимизда. Биз бу ишни бундан кейин ҳам давом эттиравеамиз.

Бахтиёр СОБИРОВ,
Беруний тумани Марказий
касалхонаси бош врач

ШАФҚАТ БЎЛМАСЛИГИ КЕРАК

Умримнинг асосий қисмини ма-орифга бағишлаганман. Шогирд-ларимнинг аксарияти олий маълу-мотли.

АҚШда бўлиб ўтган воқеаларни кўриб жуда дахшатга тушдим. Сер-куёш Ўзбекистонимиз халқлари ҳам террорчиликнинг ёмон оқибатини яхши билиди. Улар инсоният душ-мандир.

Эрталаб кўчаларимизни тўлди-риб мактабга кетаётган ўқувчилар-ни кўриб кўнгилим тоғдек кўтарила-ди. Улар Ўзбекистонимизнинг эр-танги кўни. Ватанимизнинг келажа-ги буюк. Ана шулар ҳаётига раҳна соладиган террорчиларга шафқат бўлмаслиги керак!

Тилагим: осмонимиз ҳамиша мусаффо бўлсин. Фарзандларимиз тинч-омон яшасин.

Нури ГОЙИБОВ,
Элликкальа тумани,
меҳнат фахрийси

Дунё яралибдики, эзгулик ва ёвузлик ўртасида кураш кета-ди. Кўнгилдаги нафс ва қаноат зиддиятларидан тортиб, 11 сентябрь куни Америка шаҳарларида содир этилган хунрез-ликлар ва бунга жавобан Қўшма Штатларнинг Афғонистон-даги террорчи гуруҳларга қарши олиб бораётган ҳарбий ҳаракатларига ҳам ушбу муҳорабаларга дахлдор. Нима бўлган-да ҳам эзгуликнинг тантанаси мукаррар. Куйида юртдошларимизнинг айрим фикр-мулоҳазалари билан танишасиз.

БИР КҮН УНУТИЛАР ЎҚЛАР ОВОЗИ...

Дунёда террор хуружини бошдан кечирган давлатлардан балки бу офатга дуч келмаган мамлакатлар кўпдир. Лекин бугунги кунда террорнинг нақадар жирканч куч эканлигини бил-майдиغان давлат қолмади ҳисоб. Негаки, шу йилнинг 11 сентябрида Америка Қўшма Штатла-рида содир этилган террорчилик ҳаракатлари тўғрисидаги тафсилотлар яшин тезлигида ер кура-си узра тарқалди. Инсониятга қаратилган энг катта жиноятлардан бири бўлган 11 сентябрь воқеаларидан сўнг менимча, дунё халқлари бу хатарнинг нақадар мудҳиш бало эканлигини англаб етди.

Ҳозирда ҳар бир соғлом фикрловчи киши терроризм, уни молиявий қўллаб-қувватлаб тур-ган манбалар, уларнинг ортида турган қора қучлар кимлар эканлиги ҳақида етарли тушунча-га эга. Шу сабабдан ҳам дунё мамлакатлари терроризмни қоралаб, унга қарши кураш йўлида бирлашмоқдалар.

Айни кунларда Афғонистонда давом этаётган ҳарбий ҳаракатлар натижасида террорчилар ва улар жойлашиб олган нўқталарга зарба берил-моқда. Террорчилар уя қўриб олган жойлардан чиқиб кетишяпти ёки таслим бўлишмоқда. То-либлар ҳукмронлиги даврида ўрнатилган тар-тиб-қоидаларнинг бекор қилиниши эса зулм чан-галидан қутулган одамларнинг хурсандчилигини янада ошириб юборди.

Бундан кўринадики, афғон халқи ҳам толиб-лар, уларнинг ҳамтовоқлари бўлган ёлланган жангари-ю каллакесар террорчиларнинг қилмиш-

ларидан аллақачон зада бўлиб қолган.

АҚШ ҳукумати тер-рорчиларга қарши ҳар-бий ҳаракатлар ўткази-лиши билан биргалик-да афғон халқига ин-сонпарварлик ёрдами кўрсатилишини ҳам маълум қилган эди. Жаҳон ҳамжамияти гувоҳ бўлиб турганидек, афғон қочоқларига, мамлакат аҳолиси-на-фақат АҚШ, балки бо-шқа давлатлар ҳам гу-манитар ёрдамлар кўрсатяпти.

Ушбу далилнинг ўзиёқ ҳарбий ҳаракатлар террорчилар бот-бот таъкидлаётганидек «Афғонистонга, афғон халқ-ига» эмас, балки афғон замини-га ўрнашиб олган ҳалқаро террорчиларга қаратилганининг ис-ботидир.

Ишонч билан айтиш мумкинки, бу ҳаракатлар халқаро террорчиларнинг батамом тугатилиши билан якунланади. Қўшни Афғонистонда ҳам ўқлар овози барҳам топади, афғон халқи замба-рақлар овозини унутади. Улар ҳам тинч, осуда кунларда яшай бошлайдилар. Зеро, афғон халқи ҳам дунёдаги бошқа миллат, элатлар қатори дорилмон кунларда яшашга тўла ҳақлидир.



Муродилло КАХҲОРОВ,
Конимех тумани
прокурори

... Шунинг учун ҳам халқа-ро терроризмга қарши курашда катъият билдираёт-ган, бу йўлда собитлик билан ҳаракат қилаётган давлатлар сафига қўшили-шимиз, хавфсизлик, чегараларимиз дахлсизли-ги борасида уларнинг қафолатини олишимиз, кўмағига таянишимиз зарурлиги барчамиз учун аён бўлиши керак.

(Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ислам КАРИМОВнинг
баёнотидан)

АВВАЛО БИРЛИК КЕРАК

Бир насага алоҳида эътибор бериш керак: террорчилар ёки бизнинг тинч, осу-да кунларимизни кўра олмайдиغان гала-мислар ҳеч қачон башарасини кўрсатиб ҳудудимизга кирмайди. Улар бирданига жангвор қуроллар билан ҳам келмайди. Улар аксария ҳолларда пайт пойлашга ҳара-кат қиладилар. Шу боис энг аввало ички ишлар бўлими ходимлари сергаклики яна-да оширишлари керак.

Бўлимимиз ҳам бу борада ўз олди-га аниқ вазифалар қўйиб олган. Ихтиёрий-даги қатор объектларни қўриқлашни янада кучайтирдик. Навбатчилар, назоратчилар қўпайтирилди. Гумон қилинаётган шахслар назорат остига олинди. Бу иш кеча-кундуз давом эттириляпти. Террорчиликка қар-ши кураш ва унинг олдини олишда милиция ходимларига кенг жамоатчилик ҳам амалий ёрдам бермоқда.

Ўйлаيمانки, бир-бирига суянган, бир ёқадан бош чиқарган халқни ҳеч қандай ёвуз куч енга олмайди. Шундай экан, юрт-бошимиз айтиб ўтганларидек, тинчликни ҳимоялаш, осуда кунларимизнинг барка-рорлигини сақлаш учун аввало бирдамлик-ни мустаҳкамлашимиз керак.

Икромбой СЕРЖОНОВ,
Тўртқўл тумани ИИБ бошлиғи

ВАТАНПАРВАРЛАР СОНИ КЎПАЙСА...

АҚШда юз берган 11 сентябрь воқеалари, ростки, жаҳон аҳлини шошириб қўйди. Осмоннинг дахл-сизлиги қафолатланган сайёрамиз-даги энг қудратли давлат террор хуружидан гафлатда қолдимиз, де-мак «террорнинг сарҳад билмас-лигини» тан олмаслигининг илоҳи йўқ. Шу сабабдан дунё мамлакат-лари терроризмга қарши курашда бирлашиб йўлини танладилар, бу борада давлатлараро ҳамкорлик алоқалари янада кучайди.

Маълумки, 11 сентябрь воқеа-ларидан сўнг АҚШ ҳукумати тер-роризмга қарши кескин кураш олиб боришини маълум қилган эди.

Шу муносабат билан Афғонис-тонда ўрнашиб олган халқаро тер-рорчиларни тор-мор этишга қара-тилган ҳарбий ҳаракатлар давом этамоқда. Бир қанча давлатлар бу борада Қўшма Штатларга ёрдам бермоқда.

Президентимиз айтганидек, бу-тун инсониятга катта таҳдид солиб турган бу иллатга барҳам бериш борасидаги курашдан ҳеч ким, ҳеч қайси давлат четда турмаслиги керак. Шу боис, Ўзбекистон ҳуку-мати ҳам америкалик ҳарбийларга ҳаво кенгликларидан ва битта аэро-дромидан қўтқарув-қидирув ҳамда гуманитар мақсадларда фойдала-нишга рухсат этди.

Дунё ҳамжамияти терроризмга қарши биргаликда кураш олиб бо-риш хусусида аҳдлашувлар олиб бораётган бир вақтда пайтавасига қурт тушган террорчи гуруҳлар раҳ-барлари ва уларнинг ҳомийлари ҳарбий ҳаракатлардан қўзланган асл мақсадлардан жаҳон аҳлини қалтиштига уринди.

Ҳарбий ҳаракатлар гуёки ислом динига, барча мусулмонларга қара-тилади деб оламга жар солинди. Террорчилар наҳот йўли сифатида қараган бу ҳийла билан қўзлаган мақсадларига эриша олмадилар.

Сир эмас, бир неча йиллар ил-гари шаҳар ва қишлоқларимизда турли диний даъватлар ёки давла-тимиз шаънига қуруқ бўҳтон ва тухматлар битилган варақаларни тарқатиш, ҳар хил диний оқимлар таъсирига тушиб қолиш ҳоллари бирмунча авж олганди.

Бугунги кунда эса бундай ҳо-лар деярли қайд этилмаппти. Ҳа-то, уш арақа тарқатувчиларни ота-онаси ёки маҳалладошлари қўлидан етаклаб ҳуқуқ-тартибот идораларига олиб келган ҳолатлар ҳам бўлди.

Бунга қандай эришилди? Саба-би оддий — бу ишларнинг самара-си юртбошимиз айтганидек, жаҳо-латга қарши маърифат билан кура-шиш натижасидир.

Муборак туманида 70 мингдан ортқ аҳоли истиқомат қилса, унинг 28 мингини 18 ёшгача бўлганлар ташкил этади.

Демак, биз катта ҳаёт бўсағаси-да турган 28 минг нафар фўқаро тақдири учун қайғуришимиз, улар-нинг Ватан ва миллат келажаги учун қуюнчақ инсонлар бўлиб ети-шишларига масъул бўлишимиз лозим.

Шу сабабли туманимизда вояга етмаганлар билан ишлаш масала-си тубдан ўзгарди. Туман ҳокими-ли ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия, ИИБнинг вояга етмаганлар билан ишлаш но-зирлари ҳар бир маҳалла ва ўқув масканларида учрашувлар, турли мавзуларда суҳбатлар ўтказиб кел-моқда, меҳнат ярмаркалари таш-кил этиляпти.

Бу тадбирларнинг барчаси ту-ман прокуратураси томонидан на-зоратга олинган. Олиб борилган ана шундай ишлар натижасида қўллаб ёшлар иш билан таъмин-ланди, фойдали меҳнатга жалб қилинди.

Туман марказидаги ўн беш минг мухлисга мўлжалланган стадион ҳамда кейинги йилларда қуриб битказилган спорт иншоотлари яна спортга қизиқувчилар билан гав-жумлашди. Ёзги таътил вақтида эса



Шерали АШИРОВ,
Муборак туманларо
прокурори

ҳар 18 кунда 350-400 нафар бола ҳомий ташкилотларнинг кўмағида сўлим болалар оромгоҳларида дам олиб қайтдилар.

Фарзандларимизнинг келажа-да қандай инсонлар бўлиши юқори-да айтганимдек, бизларга боғлиқ. Ҳукуматимизнинг ана шундай гам-хўрликлари остида улғайган, бунга ҳис қилган ёшлардан эса халқига, юртига содиқ, ватанпарварлар чи-қади. Бугун биз амалга ошираёт-ган савий-ҳаракатлардан қўзланган мақсад ҳам ушбу эзгу ниятдир.

ХАЛҚАРО ХАЁТ

ВОҚЕАЛАР ● ХАБАРЛАР ● ШАРҲЛАР

РОССИЯ - ЭФИОПИЯ: ЯНА БИР ҲАМКОРЛИК

Россия ва Эфиопия давлатлари ўртасида ҳамкорлик борасида янги қадам ташланди. Икки давлат ўртасида имзоланган декларация

«ҳар икки мамлакат манфаатларини» ифодалади. Бу ҳақда айнан душанба куни Россия президенти ва Эфиопия бош вазири ўртасида имзоланган декларацияда сўз юритилади. Томонлар ўзаро муносабатларни «дўстона ва халқаро майдондаги муаммоларга ёндашишда ҳамфикр бўлган давлатлар» сифатида давом эттиришди. Россия томони Эфиопияни иқтисодий, илмий-техникавий ва савдо-сотиқ борасида қўллаб-қувватлашни зиммасига олади. Шунингдек, томонлар инвестиция ва савдо-сотиқни ривожлантириш, ҳўжалик субъектлари ўртасида бевосита алоқа ўрнатиш, кичик ва ўрта бизнес, банк ва бошқа кредит ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш каби иқтисодий масалаларга алоҳида эътибор қаратдилар.

«МИР»НИНГ ҚИСМАТДОШИ

Япониянинг космик тадқиқотлар миллий агентлиги (NASDA) вакилининг хабар беришича, JERS-1 деб номланган япон сунъий йўлдошининг атмосферага қайтиши кутилмоқда. JERS-1 коинотда ўз миссиясини 1998 йилда бошлаган эди. У сайёрамизнинг қайси жойидан қўним топиши ҳақида бир нарсга дейиш қийин. NASDA веб-саҳифасида кўрсатилишича, сунъий йўлдош Ҳинд океанига, шунингдек Тинч океанининг жанубий минтақасига тушиши эҳтимоли ҳам бор.

ПАНКИССДА ЗАВОД ЙЎҚ

Грузияга қарашли Панкисс дарадига доир машиналар ҳали анча давом этаётган кўринади. Маълумки, бу дарада наркотик ишлаб чиқаришга мулжалланган завод мавжудлиги тўғрисида хабар тарқатилган эди. Президент Эдуард Шеварднадзе эса «...биздаги мавжуд маълумотларга асосланиб айтиш мумкинки, Панкисс дарада наркотик ишлаб чиқарувчи ҳеч қандай завод йўқ», дея мазкур хабарларни инкор этди. Бироқ президент мамлакат ҳудудидида ҳақиқатан ҳам «наркотик тайёрловчи ва тарқатувчилар ёки четдан келатган наркотикларни тарқатаётганлар» мавжудлигини эътироф этиб ўтди.



Исроил авиацияси Фаластин хавфсизлик хизмати жойлашган бинога ракета зарбаларини берган. Натижада икки киши ҳалок бўлиб, юзга яқин киши жароҳатланган. Исроил армияси вакили ушбу фактни тасдиқлаб, ҳақиқатан ҳам фаластин шахарларига қарата ҳаво ҳужумлари уюштирилганлигини тан олган.

ҚИСҚАЧА:

Келатган жума куни Япония бош вазири Дзюнтиро Коидзуми икки кунлик ташриф билан Бельгияда бўлади. Брюсселда Коидзуми Бельгия бош вазири ва Европа Иттифоқи давлатларининг айрим раҳбарлари билан учрашади. Учрашувларда Афғонистонга берилмак эрдм хусусида бир тўхтамга келинади.

Душанба куни тунда Непал давлати пойтахти Катманду шаҳрида террорчилар гилам ишлаб чиқаришга ихтисослашган фабрикани портлатиб юборишди.

Қурбон берилмаган, лекин заводнинг уч хизматчиси яраланган. Полиция бу теракт таъкикланган Непал Коммунистик партияси (маочилар) жангарилари томонидан содир этилган деган фикрда.

ҚУДДУСДАГИ ПОРТЛАШНИНГ ПАРИЖДАГИ САДОСИ

Француз ҳукуматининг маълум қилишича, Қуддусда содир этилган сўнгги теракт оқибатида бир француз фуқароси ҳаётдан кўз юмган, икки нафар француз жароҳатланган. Шимолий Африка сафаридан қайтиб келган президент Жак Ширак жабрдийда оилаларга ҳамдардлик билдирди.

Франция ташқи ишлар вазирининг расмий вакили портлаш чоғида жароҳатланган французлардан бирининг аҳволи оғирлашгани ҳақида хабар берган.

Яқшанба куни Парижнинг Елисей майдонига Франциядаги яхудиёлар жамоасининг 500 га яқин аъзоси Фаластинга нисбатан норозилик намойишига чиқишди. Исроил байроқлари билан бирга уларнинг қўлида «Арофат — болаларнинг қотили» деган мазмундаги плакатлар ҳам бор эди. Улар ва Фаластиннинг франциялик тарафдорлари ўртасида юз берган тўқнашувдан сўнг полиция бир неча кишини ҳибсга олишга мажбур бўлди.

МРБ РАҲБАРИНИНГ САФАРИ

Покистон президенти Парвез Мушарраф ва АҚШ МРБ (ЦРУ) раҳбари Жорж Тенет ўртасида яқшанба куни бўлиб ўтган музокара табиийки, афгон масалаларига бағишланди. Учрашувда разведка бошқармалари раҳбарлари ва Покистон ҳарбий кўмондонлари ҳам иштирок этишди. Тенетнинг расмий ташрифи «Ал-Қоида» асосчиси Усама бин Ладин ва унинг салафларини йўқ қилиш борасидаги ҳарбий ҳаракатлар кучайган даврга тўғри келганига ИТАР-ТАСС агентлиги ургу беради. Ж.Тенет шунингдек Покистон-Афғонистон чегараси яқинида жойлашган «жайноқ нукта» — Пешоворада бўлди. Ҳиндистон ОАВ эса унинг Афғонистон жанубидаги АҚШ махсус қисмлари базасига ҳам борганлиги тўғрисида хабар тарқатган.

АССАМ ШТАТИДА ХУНРЕЗЛИК

Ҳиндистоннинг Ассам штатида маҳаллий айирмачи гуруҳлар яна бир хунрезликка қўл уришди. Штат полицияси берган маълумотда айтилишича, айирмачилар ҳужуми қурбонлари давлат идорасининг масъул ходимлари — штатнинг сайлов комиссияси аъзолари эди.

Комиссия аъзолари армия зобити кузатувида Карби Англонг районининг чекка қишлоқларига сайлов бюллетенларини олиб кетаётган бир пайтда айирмачи жангарилар (Халқ демократияси бирлиги ҳаракати аъзолари) автомашиналарга бир неча қўл гранаталарини улоқтиришган. Оқибатда 10 киши қурбон бўлган, уч киши турли даражада жароҳатланган. Полиция аллақачон яширинишга улгурган жиноятчиларга қидирув эълон қилди. Эслатиб ўтамиз: Ассам штати, айниқса Карби Англонг районида айни пайтда қўллаб ҳинд айирмачи гуруҳлари фаолият кўрсатмоқда.

СИНОВ ИККИ МАРТА ҚОЛДИРИЛДИ

Об-ҳаво нуқуллайлигини сабаб қилиб кўрсатиб Пентагон ракетага қарши миллий мудофаа тизими (РҚММТ) бўйича бешинчи синовни кейинги қолдирди. Қўллаб танқидчилар, жумладан ҳарбийлар ҳам тизимдаги камчиликлар ҳақида гапиришса-да, ҳукумат буни хавфсизлик нўқтаи назаридан дея изоҳламоқда.

Танқидчиларни тушуниш мумкин. Сабоби, Пентагон икки сутка давомиди синовни икки марта ортага сурди. Бунга Калифорниядаги Ванденберг авиабазаси жойлашган ҳудудда шомол кучайганилиги сабаб бўлаяпти. Эслатиб ўтамиз, базадан «Минетмен-2» деб номланган ўқув жангвор каллақали китъалараро ракета учурилиб, у Тинч океани устида уриб туширилиши лозим эди. Америкалик ҳарбийлар об-ҳаво қандай бўлишидан қатъий назар, душанба куни (Тошкент вақти билан сешанба куни эрталаб) ракета учурилишидан умид қилишаяпти. Муддатнинг орта сурилавериши, афтидан ҳарбий раҳбариятнинг синов муваффақиятига ишончини камайтириб юборган кўринади. «Ўқув нишонни йўқ қилинмаган тақдирда ҳам синовни муваффақиятли ўтди деб ҳисоблаш керак. Биз тизимни текширяпмиз. Унинг заиф томонларини аниқлаймиз ва охири-оқибат РҚММТ реал шароитларда ҳақиқий нишонни йўқ қила олиш даражасига етади», — деб баёнот берган Пентагоннинг юқори мартабали вакили Р. Кэдиш.

АНЧА АРЗОНГА ТУШАДИ

Италия, Франция ва Канада ҳарбий мутахассислари Қирғизистон ҳудудидида ўз самолётлари учун авиабаза ташкил этиш имкониятларини ўрганиб чиқишмоқда. Италия мудофаа вазири Антонино Мартинининг айтишича, бундай база самолётларни ҳавода ёниқ билан таъминлашдек мураккаб вазифадан анча арзонга тушади. Бундай базалар ҳозирча Афғонистонга инсонпарварлик ёрдамларини етказиб бериш учун асқотади. Бироқ, Қирғизистон ҳукумати ҳали бу таклифга ўз жавобини берганича йўқ. Бу масала ҳозирда республика хавфсизлик кенгашида муҳокама этилмоқда. Шунингдек, ижобий жавоб учун ҳали қирғиз парламентининг тасдиғи ва президент имзоси ҳам талаб этилади. Бундан олдинроқ мазкур мамлакатда бўлган америкалик экспертлар Қирғизистон аэродромларининг оғир юкли ҳарбий самолётларни қабул қилишга тайёр эмаслигини маълум қилишган эди. Шундай бўлса-да, зорурат бўлса АҚШ ва НАТОга аъзо бошқа Ғарб давлатлари аэродромлардан бирини ўз андозаларига мос тарзда таъмирлаш эҳтимоли ҳам бор.






АҚШ ва Пуэрто-Риколик зоологлар судралиб юрувчиларнинг янги турини аниқладилар. Митти гекконнинг (лотинча номи Sphaerodactylus ariasae) узунлиги атиги 1,6 сантиметрдир. Энг кичкина деб эътироф этилаётган рептилия (судралиб юрвчи ҳайвон) Харага миллий боғида (Доминикан Республикаси) ва Доминикан Республикаси ҳамда Гаити биргаликда назорат қилувчи Беата оролида яшайди.



«НАМАНГАНҚУРИЛИШ»

АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

*Мамлакатимиз халқини муқтақил
Ўзбекистон Конституцияси қабул қилинганлиги-
нинг 9 йиллиги билан қизғин қўтлайди.
Юртимиз осмонни мусарфро, тинчлигимиз барқ-
арор бўлишини тилаб ҳамюртларимизга
бахт-саодат тилайди.*



«НАМАНГАНҚУРИЛИШ» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ – СИФАТ, КАФОЛАТ, ТЕЗКОР ХИЗМАТ

РЕКЛАМА

РЕКЛАМА

АСОСИЙ ҚОНУНИМИЗ - ТАРАҚҚИЁТИМИЗ КАФОЛАТИ



«КАНОР» КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

«ЎЗМАДПАРРАНДАХОЛДИНГ»

8-декабр Конституция куни билан бутун Ўзбекистон
халқини қутлайди

«ХУНАРМАН»

Уюшмаси ўзбек
элини Конституциянинг
9 йиллик тантанаси билан
самимий қутлайди



8-декабр Конституция куни

«МАШЖУРАГИЛАМ»




«ТЕОИНФОРМКОДАСТР»

Жамоаси Истиқлол
ҳадяси - Конституция
куни билан муборак
бод этади



РЕКЛАМА

РЕКЛАМА



«ТЕБДА-ТОШ»

Қўшма корхонаси давлатимиз Конституциясининг 9 йиллиги муносабати билан жамики ўзбек халқини табриклайди



1992

2001

«ЕМЕК»

Қўшма корхонаси Ўзбекистон халқини 8 декабрь Конституция куни муносабати билан самимий муборакбод этади



Хусусий фирмаси жамоаси барчангизни давлатимизнинг асосий Қонуни Конституция куни билан табриклайди


«РЕНАЛ»



«ЎЗКЎРТАЗМАСВТО»

Акциядорлик жамияти

Сизларни Ўзбекистон Конституцияси куни билан табриклайди



8-dekabr
O'zbekiston
Konstitutsiyasi kuni

«OSIYO-FOOD»

Акциядорлик жамияти меҳнаткашлари серкуёш Ўзбекистон халқини Конституция куни билан чин дилдан муборакбод этади



«МЕДИО-ФАРМ»

Масъулияти чекланган жамият меҳнаткашлари халқимизни яқинлашиб келаётган Конституция куни билан самимий муборакбод этади

РЕКЛАМА

РЕКЛАМА

«БЕРК Ко. ЛТД»

Ўзбекистон - Америка - Туркия корхонаси

Хонадонингиз учун зарур бўлган қуйдаги маҳсулотларни харид қилишни таклиф этади:

№	Маҳсулот номи	Тури	Маркаси	Ўлчами (см.да)	Ранги	Сони	Баҳоси (сўмда)
1	Ванна (жакузи)	Мар-р қорғома	«TEKNOMER»	150 x 150	ҳар хил	дона	244375
2	Ванна (жакузи)	Стекловолокна	«TEKNOMER»	150 x 150	ҳар хил	дона	230000
3	Ванна	Мар-р қорғома	«TEKNOMER»	170 x 70	ҳар хил	дона	115000
4	Ванна	Стекловолокна	«TEKNOMER»	170 x 70	ҳар хил	дона	93437
5	Ванна	Мар-р қорғома	«TEKNOMER»	154 x 70	ҳар хил	дона	100625
6	Ванна	Стекловолокна	«TEKNOMER»	154 x 70	ҳар хил	дона	79062
7	Раковина (Тильпан)	Мар-р қорғома	«TEKNOMER»	154 x 70	ҳар хил	дона	50312
8	Буриванна ванна	Мар-р қорғома	«TEKNOMER»	80 x 80	ҳар хил	дона	35937
9	Буриванна ванна	Стекловолокна	«TEKNOMER»	80 x 80	ҳар хил	дона	35937
10	Стул	Мар-р қорғома	«TEKNOMER»	82 x 82	ҳар хил	дона	50312
11	Ойқовчи уфти стол	Мар-р қорғома	«TEKNOMER»	100 x 63	ҳар хил	дона	73062



Манзил:

Тошкент шаҳри,
Чилонзор тумани, Гавҳар
кўчаси, Юқори-Дархон, 4.

Телефонлар:

(998712) 79-94-42.

Fax: (99871)

117-51-30.

E-mail: berkuz@
online.ru

«КАВСАР»

булок сувлари
табиатдек мусаллоҳ!

ABK фирмасининг маҳсулоти

Baxt-Bilol Ice cream-cake
Exotic
МУЗҚАЙМОҚЛАР ОЛАМИ

Биз билан ҳамкорлик қилмоқчи бўлганларни қуйдаги манзилда кутамиз:
Тошкент шаҳри, Чилонзор кўчаси, 26. «Baxt-Bilol» корхонаси

Газоносилки **ALPINA**
Электроинструмент
BLECK & DECER
DeWALT

Телефоны: 77-26-64, 173-24-55, 117-17-33. Фирма «Baxchi saroy».

Jp **JANPLAST**

**АЛЮМИНИЕВЫЕ
ВИТРАЖИ ОКНА**
любых размеров и конфигурации
ДВЕРИ ПЕРИЛА

ЗЕРКАЛА
для дома и офисов

**РАЗЛИЧНЫХ
ФОРМ И РАЗМЕРОВ И ПО
ИНДИВИДУАЛЬНЫМ
ЗАКАЗАМ**

ТОНИРОВАННОЕ СТЕКЛО
р-ром 1300 x 1600 мм. Толщиной 4,6 мм.

КРАСКА для наружных
и внутренних работ
ЛЮБАЯ ГАММА ЦВЕТОВ

Тел.: (998712) 79-82-20. Телефакс: (998712) 79-95-52.
Наш дилер: ООО ПКФ «DIES - SERVIS»
Тел.: (998712) 162-86-26, (99871) 169-07-00

РЕКЛАМА

РЕКЛАМА

8 декабрь -

Ўзбекистон

Республикаси

Конституцияси

қабул

қилинган

кун



«ТИМ» ҚЎШМА КОРХОНАСИ




«ПОЛИМЕКС»
ҚЎШМА КОРХОНАСИ
Юртдошларимизни Конституция кун билан табриклайди

«ХАМКОРСУТ»

Масъулияти чекланган жамият аъзолари бутун ўзбек аҳлини мамлакатимизнинг Асосий Қонуни Конституциянинг 9 йиллик байрами билан табриклайди

Жамоаси Ўзбекистон халқини Конституция кун билан самимий муборакбод этади

«ЁҒМОЙТАЪМИНОТ»

«ДАРРАНДАДОН»

Масъулияти чекланган жамият жамоаси Мустақил Ўзбекистон Конституциясининг 9 йиллиги билан қутлайди

● ЖАХОН ФУТБОЛИ

РОССИЯ ГУРУХДА ЭНГ КУЧЛИМИ?

Футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоасининг ЖЧ-2002 финал босқичида иштирок этмаслиги аён бўлгач, кўпчилик мухлисларнинг ҳафсаласи пир бўлган эди. Бу вақтинчалик ҳолат 1 декабрга келиб барҳам топди. Тўғри-да, орамизда Аргентина, Россия ёки Нигерия терма жамоаларининг мухлислари камми? Улар эса жаноб Салков ва унинг қўл остидаги йигитлардан фарқли равишда ЖЧ йўлланмаларини аллақачон нақд қилиб, рақибларини қуттишайтган эди.

Декабрнинг илк кунини Жанубий Кореянинг Пусан шаҳрида ЖЧ иштирокчиларини гуруҳларга тақсимлаш учун қуръа ташлаш маросими бўлиб ўтди. ФИФА бош қотиби Мишель Зен-Руффинен, машҳур Платини, Круифф, қирқ ёшида ҳам юксак савияда тўп суриб, мухлисларни қўйил қолдирган камерунлик Роже Милла каби жаҳон футбол юлдузлари қатнашган маросим барчани ҳаяжонда ушлаб турди.

Шундай қилиб, қуръа натижалари қуйидагича бўлди:

A	Франция, Сенегал, Уругвай, Дания
B	Испания, Словения, Парагвай, ЖАР
C	Бразилия, Туркия, Хитой, Коста-Рика
D	Жанубий Корея, Польша, АҚШ, Португалия
E	Германия, Сауд. Арабистони, Ирландия, Камерун
F	Аргентина, Нигерия, Англия, Швеция
J	Италия, Эквадор, Хорватия, Мексика
H	Япония, Бельгия, Россия, Тунис

2002 йил 31 май кунини Жанубий Кореянинг Сеул шаҳрида Франция ва Сенегал терма жамоалари майдонга тушиб, мусобақаларни бошлаб беришди. 30 июнь кунини Япониянинг Иокогама шаҳрида бўлиб ўтадиган финал ўйини билан чемпионат якунига етади.


Ҳеч ким мағлуб бўлиш учун майдонга тушмайди. Шунга қармай англиялик букмейкерлар ўз ҳисоб-китобларини эълон қилишди. Уларнинг ҳулосаларига кўра, чемпионлик учун Аргентина, Италия, Франция асосий даъвогар ҳисобланса, Саудия Арабистонининг имконияти 1/300 деб баҳоланмоқда. Чемпионат ташкилий қўмитаси ҳисоб-китобларига кўра Франция, Испания, Аргентина каби жамоалар ўз гуруҳларида ҳақли равишда пешқадам деб эътироф этилган бўлса, мухлислик қилишни дилимизга тугиб қўйганимиз россияликлар ҳам ўзларини гуруҳ фаворити деб ҳисоблашаёпти.

Нимаям дердик, мухлислар ҳар бир жамоадан «мўъжиза» қуттишга ҳақлидирлар.

Жамоалар чемпионатга муносиб тайёргарлик кўришлари учун ФИФА уларнинг ҳар бирига 1 млн. Швейцария франки миқдорида маблағ ажратди. Бу ўтган сафаргисидан 250 минг франк кўпдир.

Хасан НИШОНОВ

● СКАНВОРД



Моҳият

Масаланинг моҳияти билимнинг бутунлигида эмас, ақлнинг бутунлигидадир.

ДЕМОКРИТ



«Ҳуқуқ»қа обуна бўлдингизми?

Индексларимиз:

«Ҳуқуқ»

газетаси -

231; 232.

«Қонун

ҳимоясида»

журнали -

839; 840

КОРХОНАЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Ўзбекистон Республикасининг «Энергиядан рационал фойдаланиш ҳақида»ги Қонунига биноан йиллик энергоресурслар сарфи олти минг тоннадан ортиқ шартли ёқилғи ёки бир минг тонна мотор ёқилғиси бўлган корхона ва ташкилотлар мажбурий энергетик текширувдан ўтишлари шарт.

Энергетик текширув (энергоаудит)лар «Ўздавэ-нергоназорат» билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Энергомаркази томонидан ўтказилиши мумкин.

Маълумотлар учун теле/факс: 133-08-15

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Тошкент шаҳар прокуратураси жамоаси шаҳар прокуратурасининг фахрийси

Арқодий ГАЗАРБЕКОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг яқинларига таъзия билдиради